O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«...соғлом ва баркамол, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган авлодни тарбиялаш — буларнинг барчаси биринчи галда ўқитувчи зотига, унинг билим ва маҳорати, фидойилик фазилатларига боғлиқ, десак, ҳеч кимда шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқатни айтган бўламиз».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 29-sentabr • Shanba • 121-122 (27.767) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 сентябрь куни Оқсаройда Халқаро телекоммуникация иттифоқи Бош котиби Хамадун Турени қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини компьютерлаштириш ва уларга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида мазкур халқаро ташкилот билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

Ахборот асри деб аталаётган ҳозирги юз йилликда ахборот технологияларининг аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда. Ахборот-коммуникация ва компьютер технологиялари юксак суръат билан ривожланиб, барча соҳаларга жадал кириб бораётир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, алоқа тармоқларини рақамлаштириш ва уларнинг ўтказувчанлигини ошириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳани компьютерлаштириш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Масалан, 2002 йили мамлакатимизда Интернетдан 136 минг киши фойдаланган бўлса, жорий йил бошида бу кўрсаткич салкам 2 миллионга етди. «.UZ» домен зонасидаги веб-саҳифалар сони ўн карра кўпайиб, 4,5 мингдан ортиқни ташкил қилди. Телефон тармоқлари рақамлаштирилди, уяли алоқа хизмати кенгайиб бормоқда. Компьютерлаштириш ва ахборот-технологияларини жорий қилишни қўллаб-қувватлаш мақсадида божхона ва солиқ имтиёзлари жорий этилди.

Кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, халқаро тажриба алмашувини йўлга қўйиш ва илғор технологияларни ўзлаштириш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети ташкил қилинди, қатор лицей ва коллежлар очилди. Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «ЎзИнфоКом» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази сингари кўплаб муассасалар фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигини ўтказиш анъанага айланган. У соҳани янада ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирларни ўз ичига олади.

Меҳмон Тошкентда якунига етган навбатдаги ана шундай тадбир доирасидаги саммитда иштирок этиш учун Ўзбекистонга келган. Оқсаройдаги учрашувда Х.Туре Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва компьютерлаштириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритаётганини алоҳида таъкидлади. Ҳафталик юксак савияда ташкил этилиб, саммит самарали бўлганини, Халқаро телекоммуникация иттифоқи Ўзбекистон билан ҳамкорликни бундан буён ҳам изчил давом эттиришини қайд этди. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида мамлакатимизнинг мазкур халқаро ташкилот билан алоқаларини янада кенгайтириш, халқаро ахборот хавфсизлиги муаммолари ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Авваламбор, мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келаётган қутлуғ айём — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан барчангизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу ёруғ оламда ҳар бир одам аввало ўзининг меҳрибон ота-онасига, унга маърифат ва билим дунёсини очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар, фуқаролик ҳисси ва масъулиятини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва муаллимларига нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

Табиийки, мактаб остонасига қадам қўйганимизда бизнинг қўлимизга қалам бериб, алифбони ўргатган биринчи ўқитувчимиз сиймосини, дунёга кўзимизни очиб берган мураббийларни, бу улуғ зотларнинг фидокорона меҳнатини доимо ҳурмат-эҳтиром билан эслаймиз ва қадрлаймиз.

Одамзот ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қайси лавозимда ишламасин, мактаб бағрида кечган йиллари, олган таълим-тарбияси унинг етук инсон ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида нақадар беқиёс аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши англаймиз. Мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон улғайиши ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу маънода, кўз нури ва қалб қўрини, бутун борлиғини ўқитувчиликдек олижаноб касбга бағишлаган сиз, азизларни ҳар қанча эъзозлаб, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Қадрли дўстлар!

Бу йилги Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами ҳақида гапирганда, унинг ўзига хос тарихий бир вазиятда ўтаётганига эътиборингизни жалб этмоқчиман. Яъни, шу кунларда юртимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганининг ўн йиллигини нишонлаётганимиз бу байрамга алоҳида кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Ушбу дастур ва унинг таркибида бошлаган ишларимизнинг узвий давоми сифатида 2004 йилда қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини давлат ва умуммиллий аҳамиятга молик устувор вазифа тариқасида белгилаб олганимиз, унинг халқимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланганидан яхши хабардорсиз. Албатта, бутун мамлакатимизда мактабларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва янгитдан қуриш билан бирга, ўрта махсус ва касб-ҳунар тизимини мутлақо қайтадан барпо этиш, энг ривожланган давлатлар қаторида 12 йиллик умумий таълим тизимига, янги стандартларга ўтиш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар иш ҳақини ошириш ва рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия тизимини замон талаблари даражасига кўтариш бўйича кейинги йилларда амалга оширган ишларимиз ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин бугунги кунда биргина ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимида турли соҳа ва йўналишлар бўйича 840 мингга яқин замонавий билим ва касбни эгаллаган юқори малакали кадр тайёрланганининг ўзиёқ бу борада биз орзу қилган ижобий маънодаги «портлаш эффекти» рўй бера бошлаганининг амалий тасдиғидир.

Энг муҳими, бундай узоқни кўзлаган ва чуқур ўйланган ислоҳотлар юртимиздаги барча ҳудуд ва минтақаларни қамраб олаётгани, бу соҳада амалга ошираётган ишларимиз олис ва яқиндаги қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, жаҳон майдонида мамлакатимизнинг обрў-эътиборини оширишда, тараққиёт йўлидаги эзгу мақсадларимизга етишда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи тарихий жараёнга айланиб бораётгани дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Халқаро Болалар ташкилоти — ЮНИСЕФнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган, бир қатор мамлакатларда таълим-тарбиянинг бугунги аҳволига бағишланган махсус тадқиқотида Ўзбекистоннинг бу соҳада эришган натижаларига юксак баҳо берилиб, уларнинг намуна сифатида кўрсатилгани ҳам бу фикрни яққол исботлайди.

Юртимизда бугунги кунда ўз таъсири ва самарасини бераётган ана шундай бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр юритганда, яратилган беқиёс имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш, энг асосийси, ўқув тизимининг сифатини илғор халқаро мезонлар даражасига кўтариш, жондан азиз фарзандларимизга нафақат таълим бериш, айни пайтда уларнинг маънавий оламини ҳам юксалтириш бўйича ўта муҳим масъулият ва шу билан бирга, улкан шараф авваламбор сиз, меҳрибон муаллим ва мураббийлар қўлида эканини ҳеч ким ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак.

Такрор айтишга тўғри келади — ҳозирги пайтда замонавий ўқув тизимининг мустаҳкам моддий-техник базасини яратиш, энг юксак талабларга жавоб берадиган стандартларни ишлаб чиқиш, зарур дарслик ва ўқув қўлланмаларини юқори сифат билан чоп этиш мумкин. Лекин бундай имконият ва воситаларни олий мақсадларимиз, орзу-интилишларимиз йўлида ишлатиш, соғлом ва баркамол, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган авлодни тарбиялаш — буларнинг барчаси биринчи галда ўқитувчи зотига, унинг билим ва маҳорати, фидойилик фазилатларига боғлиқ, десак, ҳеч кимда шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқатни айтган бўламиз.

Барчамизга яхши маълумки, бундай ёндашув давлатимиз, жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб, таълим соҳасига, унинг нафақат бугунги, балки эртанги эҳтиёжларини қондириш масаласига кундалик сиёсатимизда энг муҳим ва устувор аҳамият берилмоқда.

Шу борада биргина рақамни келтиришни ўринли деб биламан.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ушбу соҳага йўналтирилаётган харажатлар улуши ялпи ички маҳсулот таркибида 12 фоизни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич дунёнинг кўплаб мамлакатларида 3-5 фоиздан ошмайди.

Иқтисодиётимизнинг изчил ва барқарор суръатлар билан ўсиши, салоҳият ва имкониятларимизнинг кучайиши билан бундай рақамлар ва таълим-тарбия соҳасига ажратилаётган маблағлар янада ортиб бориши муқаррар. Бугунги кунда янги қурилаётган ва фойдаланишга топширилаётган мактаблар, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, янги авлод дарслик ва қўлланмаларини яратиш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар, Интернет тизимини кенг жорий этиш, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини муносиб баҳолаш тизими самарадорлигини янада ошириш каби долзарб масалалар бизнинг яқин ва келгуси режаларимизда, ҳеч шубҳасиз, катта ўрин тутади.

Бундай мақсадларимизнинг негизида жаҳон миқёсида тан олинган бир ҳақиқат мужассамки, биз уни доимо эътиборда тутишимиз лозим. Яъни, юксак тараққиёт сари интилиб яшайдиган ҳар қайси миллат ва халқнинг эртанги куни авваламбор унинг интеллектуал салоҳияти ва маънавий бойлиги билан чамбарчас боғлиқ эканини асло унутмаслигимиз ва ўз фаолиятимизни айнан шу асосда ташкил этишимиз зарур.

Айниқса, дунё шиддат билан ўзгариб, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора авж олиб бораётган бугунги мураккаб ва таҳликали даврда эришган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, хотиржамликка берилмасдан, ўз олдимизга янги ва баланд марраларни қўйиб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ана шундай кескин вазиятда миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур ўзлаштирган, Ватан туйғусини теран англайдиган, мустаҳкам иймон-иродага эга бўлган ёшларгина бизга мутлақо бегона оқим ва ғояларнинг зарарли таъсирига қатъий равишда қарши тура олади.

Сиз, жонкуяр муаллим ва мураббийлар ана шу ғоят муҳим ва масъулиятли вазифани адо этишда куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангизни аямайсиз, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Сизларни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Фарзанд ва шогирдларингизнинг камолини кўриш доимо сизларга насиб этсин, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Арипова Шоҳида Раҳматовна — Термиз шаҳридаги 6-ихтисослашган мактаб-интернатнинг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Жумабеков Жали Исақович — Нукус давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мўминов Ғафуржон — Наманган саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Бўриев Марат — Зарбдор тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси, Жиззах вилояти

Шарапова Муҳаббат Араповна — Қарши шаҳридаги Нодирабегим номидаги ихтисослашган мактаб-интернат мажмуасининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Шульга Людмила Николаевна — Пайариқ туманидаги 6-мактаб директори, Самарқанд вилояти

(Давоми 2-бетда)

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

Устоз деганда кўз ўнгимизда жонкуяр, меҳридарё, ғамхўр ва фидойи инсонлар гавдаланади. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, барчамизга илму маърифат, тарбия, катта ҳаёт сабоғини ўргатган устозларнинг ўгити, панду насиҳати умр бўйи йўлимизни, қалбимизни мунаввар этади.

Шу кунларда мамлакатимизда умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган кўплаб тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчилари, мураббийлар, педагоглар Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида умумхалқ байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда таълим тизимининг барча бўғинларида меҳнат қилаётган фаол, изланувчан ва ташаббускор педагоглар, мураббийлар, соҳада узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган устозлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда)

2007 йилда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида янгидан қуриб, фойдаланишга топширилган 28-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нозима Латиповани ўз шогирдлари байрам билан қутлашмоқда.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

СИЁСИЙ СЕМИНАРЛАР

ЭЛЕКТОРАТ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида Марказий Кенгаш ҳузурида ташкил этилган семинарнинг ушбу ўқув йилидаги дастлабки машғулоти бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари, экспертлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, электорат вакиллари иштирок этдилар. Семинарда Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасидан келиб чиқиб «Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти. Мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш стратегияси» мавзуси муҳокама этилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ўқувларининг ўтган йилги якунлари ҳамда жорий ўқув йилининг бошланиши хусусида тўхталди.

— Президентимизнинг мазкур маърузасини ўрганиш, унда қўйилган вазифаларни партиямиз ҳар бир аъзоси, электоратга етказишда ўқувларимиз муҳим аҳамият касб этади, — деди у.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Муҳаббат Абдуллаева, Ҳамидулла Назаровлар ҳам сўзга чиқиб, мавзунинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратдилар. Юртбошимиз илгари сурган ғоялар ҳар биримизда шахсий дахлдорлик ва фуқаролик масъулиятини кучайтириши керак, дея таъкидланди. Зеро, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида барча жабҳалардаги буюк ўзгаришлар, айниқса, фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутувчи сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги роли оширилиши партиянинг ҳар бир аъзосига алоҳида масъулият юклайди.

3-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Балтабаев Мамарасул Юнусович — Қувасой шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юнон-рум кураши бўйича мураббийси, Фарғона вилояти

Бибалаев Норбўта Ҳакимович — Янгиер қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Боғбеков Фарҳодбой — Хива туманидаги 17-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Латипова Маҳбуба Жўрабоевна — Бухоро туманидаги 4-мактабнинг кимё ва биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Маликова Шоира Набиевна — Шайхонтоҳур туманидаги 13-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Раҳмонов Худойкул — Нурота туманидаги 22-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Хусанов Авазбек Аксамович — Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицейнинг тарих фани ўқитувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Бурикин Александр Николаевич — Учтепа туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси, Тошкент шаҳри

Холматов Шаҳобидин Жўрамирзаевич — Учқўрғон туманидаги 7-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси, Наманган вилояти

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш орқали Ватанимиз мустақиллиги, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Аминов Эргаш — Яккабоғ туманидаги 31-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Жўраева Фароғатой Абдурахмановна — Марғилон шаҳридаги 1-ихтисослашган мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Раззақова Сабоат — Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицейнинг катта ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Саримсакова Мавлюда Тажиевна — Мирзо Улуғбек туманидаги 101-махсус мактаб-интернатнинг сурдопедагоги, Тошкент шаҳри

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги ибратли фаолияти ва халқ таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Рўзибой — Боғот туманидаги 20-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Абдуллаев Шуҳрат Туришович — Фориш қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг услубчиси, Жиззах вилояти

Аҳмадалиева Роҳила Набиевна — Ёзёвон туманидаги 6-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Бектанов Носир Эшонқулович — Ховос туманидаги 26-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Бердиева Кундуз Аҳматовна — Қумқўрғон туманидаги 37-мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари, Сурхондарё вилояти

Мамадалиев Аббос Мамасолиевич — Наманган шаҳридаги 31-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Марипжонов Толибжон — Қўрғонтепа тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси, Андижон вилояти

Ражабов Музаффар Файзиевич — Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Рўзиева Гулнора Жумаевна — Учқудуқ туманидаги 7-мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Тлепов Муҳаматдин Шарапович — Қўнғирот саноат касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳайдаров Туроб Ҳасанович — Пастдарғом тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси, Самарқанд вилояти

Шарипова Саида Раҳимовна — Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи директори, Бухоро вилояти

Ёш авлодни маънавий етук ва жисмонан соғлом қилиб камол топтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, уларга билим ва тарбия бериш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Маҳмудова Дилдорхон Йўлдошхон қизи — Кўқон шаҳридаги 9-махсус мактаб-интернат директори, Фарғона вилояти

Тиллаева Зебо Ёрбековна — Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 2-академик лицейнинг биология фани ўқитувчиси

Турдиев Қудрат — Боёвут туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Сирдарё вилояти

Турсунова Хаитгул Жумаевна — Ангор педагогика коллежининг педагогика-психология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Чаққонов Нурмуҳаммад Ражабович — Арнасой туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Узоқов Маҳаммат — Нарпай туманидаги 38-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Юртимизда тинчлик ва тотувлик, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш, иқтидорли ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни халқимизнинг муносиб фарзандлари, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги намунали хизмати ҳамда Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтиришдаги ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Ашурова Танзила Халиловна — Муборак туманидаги 4-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Жабборов Боймурот Холмуродович — Янгиобод туманидаги 6-мактабнинг физика ва информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Зубарев Евгений Александрович — Фарғона шаҳридаги 2-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Исмоилова Мубарак Исраиловна — Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги академик лицейнинг инглиз тили фани ўқитувчиси

Марданова Фарида Ильясовна — Яккасарой туманидаги 91-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Матмуратов Қуронбой Машарипович — Ҳазорасп қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Содиқов Одил Тўйивич — Қорақўл туманидаги 19-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Сосин Сергей Владимирович — Мирзо Улуғбек туманидаги саноат касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

Сулайманова Фароғатхон Фозиловна — Гулистон шаҳридаги 3-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Султанова Саригул Аманиязовна — Тахтақўпир туманидаги 3-мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Феизов Фарит Феимжанович — Юқори Чирчиқ туманидаги 7-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Хўжамуратов Райимқул Арзиқулович — Булунғур касб-ҳунар коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

Шилова Анжелика Александровна — Зарафшон шаҳридаги 3-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Юсупова Барнохон Булишовна — Жалолқудуқ туманидаги 7-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ўрмонов Абдусамат Усмонович — Денов тумани «Ҳазорбоғ» қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг бош устаси, Сурхондарё вилояти

Ёш авлодни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат, миллий ғояга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Изатулла Зайнуллаевич — Бағдод туманидаги 26-мактабнинг тарих ва география фанлари ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Абдуллаева Азиза — Гулистон давлат университети қошидаги академик лицейнинг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Абдураҳманова Озода Деҳқонбоевна — Қуйи Чирчиқ туманидаги 25-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Адилова Умитгуль Курбониёзовна — Қорақалпоғистон Республикаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси

Акрамова Вилоят Жўраевна — Қибрай туманидаги 6-мактаб директори, Тошкент вилояти

Аллаберганов Абдулла — Ҳарбий-юридик йўналишдаги Урганч академик лицейининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Аҳмадалиева Муқаддасхон Обидовна — Бувайда туманидаги 21-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Аҳмедов Шавкат — Вобкент қишлоқ хўжалиги коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Аҳмедова Насиба Рўзматовна — Бектемир туманидаги 293-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Аширалиева Адашхон Абдулазизовна — Поп туманидаги 10-мактабнинг француз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ашуров Исмоил Пардаевич — Деҳқонобод туманидаги 6-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Бағишева Билимхон Алимбековна — Чортоқ туманидаги 23-мактаб директори, Наманган вилояти

Валиева Хурмат Жўраевна — Бандихон туманидаги 14-ихтисослашган мактаб-интернатнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ганиева Дильфуза Маликовна — Юнусобод туманидаги 70-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Жамалова Улмекен — Тахиатош шаҳридаги 2-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Елибаев Боймурат Валиевич — Конимех туманидаги 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Навоий вилояти

Ержанова Багдагул Аралбаевна — Мўйноқ туманидаги 4-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жаллиева Гулойим Бебитовна — Олот туманидаги 12-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Жумаева Дилдор Ҳайитовна — Ромитан туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Жумаева Ойсулув Хуррамовна — Сариосиё туманидаги 32-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Жўраев Дониёр Рўзиевич — Кармана туманидаги 10-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Зайнутдинова Мунисхон Исмоиловна — Чуст туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ибрагимова Ноҳида Ҳомиджоновна — Риштон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ибрагимова Эльмира Закиевна — Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги академик лицей директори, Тошкент шаҳри

Йўлдошева Шарихон Ибадулаевна — Чиноз туманидаги 4-махсус мактаб-интернатнинг катта тарбиячиси, Тошкент вилояти

Қобилова Муҳаббат Қутфуллаевна — Хонобод шаҳридаги 1-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Қодирова Гульнара Машрабовна — Андижон шаҳридаги 31-мактаб директори, Андижон вилояти

Қаллибекова Марьяш Шарибаевна — Қораўзак туманидаги 31-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Караева Ҳабиба Бебитовна — Жондор туманидаги 20-ихтисослашган мактаб-интернатнинг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Кенжаев Шавкат Эргашевич — Чилонзор туманидаги 173-мактабнинг кимё ва биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Кенжаев Эркин — Қарши педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Қосимов Абдуқаюм Исматович — Қизириқ туманидаги 36-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Қулмуратов Бегмурат Абдимуратович — Чимбой иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ли Юля Семеновна — Миробод туманидаги 389-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси, Тошкент шаҳри

Мамажонова Иноятхон Аҳмаджоновна — Булокбоши туманидаги 14-ихтисослашган мактаб-интернатнинг математика ва информатика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Мамарахимова Назокат Шакаровна — Жиззах туманидаги 12-мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Маматқулова Салия Абуловна — Жарқўрғон туманидаги 21-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Мелиев Фатто Муҳаммадиевич — Ҳарбий қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейининг физика фани ўқитувчиси

Мирзаҳмедова Насиба Аҳматовна — Сирдарё туманидаги 6-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Мусаева Назира Меҳмановна — Тошкент туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Муталов Маҳмуд — Зангиота туманидаги 9-мактабнинг тарих ва жамиятшунослик фанлари ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Нажмидинова Жахонби Ибрагимовна — Фарғона туманидаги 41-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Норбоев Қобул Абриевич — Нуробод туманидаги 1-мактабнинг математика ва информатика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Нурманов Серикназар Егемназарович — Томди туманидаги 11-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Обидова Комилахон Солижоновна — Фурқат туманидаги 1-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси, Фарғона вилояти

Обухова Наталья Сергеевна — Миробод туманидаги 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси, Тошкент шаҳри

Оллаярова Хуршида Ражабовна — Хонқа туманидаги 49-ихтисослашган мактаб-интернат директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Хоразм вилояти

Орифов Маъруфжон — Шаҳрихон агросаноат касб-ҳунар коллежининг Миллий истиқлол ғояси фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Фаёзова Ҳакима Насимовна — Бўка маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Расулова Тамара Жўраевна — Ғузор туманидаги 1-мактаб директори, Қашқадарё вилояти

Раҳимова Назира — Самарқанд туманидаги 16-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Раҳмонов Исломжон Абдулазизович — Оққўрғон туманидаги 1-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Раҳмонова Соломхон — Андижон туманидаги 10-мактабнинг француз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Рашидова Лола Мажитовна — Ғиждувон туманидаги 51-мактабнинг тарих ва география фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Саидова Саноат Шодиевна — Косон туманидаги 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Саидхўжаева Васила Муҳаммадалимовна — Пскент туманидаги 5-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Сапаев Муҳаммадсапо — Янгиариқ туманидаги 15-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Сатторов Садридин Бадирдинович — Косонсой туманидаги 26-мактаб директори, Наманган вилояти

Собиров Карим — Хатирчи туманидаги 54-мактабнинг кимё-биология фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Сирожов Аслитдин — Самарқанд шаҳридаги 22-болалар мусиқа мактаби директори, Самарқанд вилояти

Султанова Маҳбуба Қўзибаевна — Фарғона политехника институти қошидаги Ёрмозор академик лицейининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Тошмурадова Муҳтабар Ашуровна — Пахтаобод туманидаги 1-мактаб директори, Андижон вилояти

Таирова Сохиба Зиятовна — Шаҳрисабз озиқ-овқат ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг услубчиси, Қашқадарё вилояти

Тошхўжаева Фаридахон Алижоновна — Олтинкўл туманидаги 57-ихтисослашган мактаб-интернатнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Тугалова Дилбар Аскаровна — Сардоба туманидаги 9-мактабнинг математика ва физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Турдиева Марҳабо Раҳимовна — Денов туманидаги 3-ихтисослашган мактаб-интернатнинг кимё ва биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Турсунова Зарифа Абадиевна — Олмалиқ шаҳридаги 3-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Убайдуллаева Хушвақт Раҳмоновна — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги «Нуристон» академик лицейининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Умирова Баҳри Босимовна — Мирзаобод туманидаги 2-мактаб директори, Сирдарё вилояти

Файзиева Муҳаррам Ғафуровна — Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент шаҳри

Файзиева Орзигул Саломовна — Нишон туманидаги 13-мактабнинг тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ҳаитова Марина Изатуллаевна — Каттақўрғон шаҳридаги 6-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ҳаитова Ҳакимахон — Данғара тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси, Фарғона вилояти

Ҳакимов Ашур Аҳатович — Бойсун туманидаги 28-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ҳамроев Ражаббой Қўлдошович — Навбаҳор туман «Истиқлол» саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Хожамуратов Атамурат Турдимуратович — Нукус туманидаги 12-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Холиқов Обилжон Закиржонович — Наманган туманидаги 23-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Хунарова Мукаррам Маликовна — Оҳангарон шаҳридаги 5-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Хусанов Абдумутал Холмўминович — Дўстлик туманидаги 4-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Хушбақова Гулсора — Шўрчи туманидаги 18-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Шамшиддинов Абдушароб Умарович — Марҳамат туманидаги 14-мактаб директори, Андижон вилояти

Шакирова Фаридахон Саттаровна — Янгиқўрғон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Эргашева Зиёда Алибоевна — Оқдарё педагогика коллежининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Эргашева Маҳфуза Қахоровна — Бухоро шаҳридаги 35-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Эркабоева Завра Қайтаровна — Қўшработ туманидаги 34-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Эшимматов Янгибой Чавдирбайевич — Амударё туманидаги 17-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Юлдашев Раманберди — Тўрткўл туманидаги 32-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Юлдашева Фарида Абдурашитовна — Бекобод педагогика коллежининг меҳнат фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Юсупова Эркиной Фрунзаевна — Гурлан туманидаги 32-мактаб директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Хоразм вилояти

Якубова Ровия Эгамберганова — Шовот туманидаги 29-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Қаландаров Дониёр Бобоқазақович — Бахмал туманидаги 4-ихтисослашган мактаб-интернатнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Қаршибаева Махсуда Тугаловна — Галлаорол тиббиёт коллежининг касбий фанлар кафедраси мудири, Жиззах вилояти

Қаҳоров Курбон Дониёрович — Миришкор туманидаги 4-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Қосимова Мўмина Шариповна — Пешку туманидаги 3-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Қутлимуратов Марат Толибаевич — Кегейли туманидаги 3-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қўчқарова Гулчехра Эшниязовна — Пахтачи туманидаги 29-мактаб директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

Ҳакимова Мадина Сулаймановна — Жомбой туманидаги 36-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ҳикматова Фотима Азаматовна — Навоий маданият ва санъат коллежининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 28 сентябрь

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу умумхалқ байрами арафасида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови 25 фан йўналиши бўйича ташкил этилди. Мазкур ижодий беллашув ғолиблари орасида Тошкент шаҳридаги 257-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси Одил Йўлдошев, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 11-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Зулхумор Қулметова, Навоий шаҳридаги 2-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Феруза Кенесова, Нукус шаҳридаги 41-мактабнинг қорақалпоқ тили ўқитувчиси Гулнора Абдунабиева, пойтахтимиздаги 202-мактабнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Анвар Муртазоев каби фидойи педагоглар бор.

Кечада сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тошкентдаги 50-мактаб директори Светлана Герасимова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни пухта билимли, жисмонан соғлом, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш мамлакатимизнинг барча жабҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади эканини алоҳида таъкидладилар.

Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бераётган самаралар бугун нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ҳам кенг эътироф этилаётир.

Мамлакатимизда янги-янги таълим масканлари барпо этилмоқда, мавжудлари қайта реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирланаётир. Билим даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий мебель, ўқув-услубий ва техник жиҳозлар билан таъминлаш, такомиллашган давлат стандартлари асосида дарсликлар, ўқув адабиётлари, услубий қўлланмалар яратиш ва жойларга етказиш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилаётир. Ўқув жараёнини сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксак поғонага кўтариш, ўқитувчиларнинг жамиятимиздаги мавқеини изчил мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда, шарафли ва масъулиятли касб эгалари меҳнати моддий ва маънавий рағбат топмоқда.

Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи бир неча баробар оширилгани, уларга алоҳида устама ҳақлар жорий этилгани, таълим стандартларига мувофиқ педагогларнинг иш юкламалари мақбуллаштирилгани бунинг ёрқин далилидир. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида бундай улкан ғамхўрлик махсус инклюзив таълимда ҳам ўз ифодасини топаётгани диққатга лойиқдир.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда устоз ва мураббийлар қадимдан шарафли касб эгалари сифатида ардоқлаб-улуғланган, эл-юрт эъзозида бўлган. Мана, ўн йилдирки, 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Бу эса истиқлол йилларида давлатимиз томонидан соҳа ходимларига бўлган алоҳида эътибор, ўқитувчи шахсига кўрсатилаётган юксак эҳтиром рамзига айланди.

Куни кеча устозлар байрами муносабати билан Республика Халқ таълими вазирлигида вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови ғолиблари, ўқитувчилар, соҳада узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган фахрий педагоглар иштирокида қабул маросими бўлди. Шундан сўнг меҳмонлар пойтахтимиздаги бир қатор диққатга сазовор жойларда бўлиб, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Тадбир қатнашчилари дастлаб Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Бош майдонимизда Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишишди. Заҳматкаш устозлар ҳурриятимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва Эзгулик монументига гул қўйишди. Эзгулик аркаси, Бахтиёр она сиймоси ва умуман, Бош майдоннинг ўтмиши ва бугунини ифода этган фотосуратларни қизиқиш билан томоша қилдилар.

— Бугун юртимизда ўқитувчиларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромнинг чеки йўқ. Биргина мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши мамлакатимизда ўқитувчининг ўрни, қадр-қиммати нечоғли юқори эканини англатади, — дейди Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-сон академик лицейи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров. — Бундан ташқари, Президентимизнинг соҳага доир фармон ва қарорлари замирида аввало ўқитувчи шахсини улуғлаш, жамиятдаги мавқеини ошириш мақсади мужассамки, бу ҳам бизни бениҳоя мамнун қилади.

Маълумки, Ҳазрати Имом мажмуасида улкан бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бугун бу зиёратгоҳдаги тенгсиз ва беқиёс янги масжид, Усмон Қуръони музейи, Бароқхон мадрасаси, Тиллашайх масжиди, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ва Дин ишлари бўйича қўмитанинг янги биноси ва бошқа ноёб, бетакрор обидалар ҳар қандай инсоннинг ҳавасини келтиради. Улар нафақат тарихимиз кўзгуси, балки халқимизнинг бугунги бунёдкорлик салоҳиятини, унинг яратувчилик даҳосини ўзида ифода этади.

Пойтахтимизга ташриф буюрган устоз-мураббийлар Ҳазрати Имом ансамбли билан яқиндан танишдилар. Зиёратгоҳнинг улуғворлигидан ҳайратга тушган устозлар мажмуада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари юртимизда тарихий ва исломий меросни эъзозлаш борасида қилинган хайрли ишлардан бири эканини таъкидлашди.

Шунингдек, байрам қатнашчилари Ҳазрати Имом ансамбли ёнида бунёд этилган 28-мактабнинг янги ва замонавий биноси билан ҳам яқиндан танишдилар.

Мактаб ўқувчилари устозларга намойиш этган ҳузал рақслар ва куй-қўшиқлар ҳар бир кўнгилда ғурур уйғотади. Умуммиллий дастур доирасида қурилган мазкур мактаб ва унинг ҳаёти барчада унутилмас таассурот қолдирди. Юксак дид ва миллий меъморчилик анъаналари асосида барпо этилган янги таълим масканида ўқитувчи ва ўқувчи учун барча имконият ва шарт-шароит мавжуд. Интернетга уланган компьютер ҳамда лингафон хоналари, физика, кимё лабораториялари, махсус фан кабинетлари — барча-барчаси энг замонавий услубда жиҳозланган.

— Биз байрамолди сафаридан олам-жаҳон таассурот олдик, — дейди Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 2-мактабнинг география ўқитувчиси Малика Пиримқулова. — Ҳазрати Имом мажмуасидаги маҳобатли обидалар, айниқса, янги масжид ва миноралларнинг жуда қисқа муддатда бунёд этилганини эшитган эдик. Бугун табаррук Усмон Қуръонини ўз кўзимиз билан кўрдик, зиёрат қилдик. Мусулмон оламида ягона бўлган нодир ва муқаддас китоб Ўзбекистонимизда сақланиши бизга ғурур ва ифтихор бағишлади. 28-мактабдаги бир-биридан шинам ва озода синфхоналар қувончимизни оширди. У ердаги жиҳозларнинг барчаси жаҳон андозалари даражасида. Бундай масканда одам ҳавас билан ишлайди. Олдимиздаги улкан вазифа эса, мана шундай ишонч-эътиборни оқлаш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдир.

Тадбир дастурига кўра, байрам қатнашчилари эл-юртимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган ватандошларимиз шарафига барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини ҳам зиёрат қилиб, рамзий қабр пойига гул қўйдилар.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ.

СИЁСИЙ СЕМИНАРЛАР

ЭЛЕКТОРАТ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун Ўзбекистон умумэътироф этилган ва Конституциямизда мустаҳкамланган халқ ҳокимияти тамойилларига асосланиб, миллий анъаналар, ҳаёт тарзимиз ва менталитетимизга мос демократиянинг миллий моделини шакллантирмоқда. Шу боис, аввало бунинг моҳиятини тўғри англаш ва кенг жамоатчиликка, ёшларга тушунтириш ЎзХДП фаолларининг муҳим ишига айланиши даркор. Иштирокчилар давлат ва жамият пойдеворини барпо этиш замирида халқимизнинг машаққатли меҳнати, «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», «Ислоҳотлар — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган ҳаётий шиорлар ётганини этироф этдилар.

Муҳокамаларда Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи директори Дилором Раҳимова, Учтепа туманидаги 245-мактаб директори ўринбосари Фахриддин Муҳиддинов, меҳнат фахрийси, ЎзХДП фаоли Клара Абдуллаева, Тошкент тиббиёт академияси доценти Абдуғаффор Йўлдошев, Юнусобод туманидаги 150- мактаб директори Камола Орипова, Шайхонтоҳур туманидаги 1- мактаб директори Зуҳра Абдуллаева ва бошқалар иштирок этиб, кун тартибидаги масала юзасидан таклифлар билдирдилар.

✧✧✧

Семинар иштирокчилари шу куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Тошкент шаҳар кенгаши билан биргаликда 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб тайёрлаган тантанали учрашувда ҳам қатнашдилар.

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастурида партия электоратининг катта қисмини ташкил этувчи ўқитувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш алоҳида белгиланган, — дейди Сергели туманидаги 267-мактаб директори Азиза Ҳамидова. — Бу борада партия томонидан амалга оширилаётган ишларни янада фаоллаштириш, ўқитувчиларнинг ижтимоий муҳофазаси йўлида янада кўпроқ ташаббуслар билан чиқишини истайман.

Табрик учун сўзга чиққанлар бугун давлатимиз томонидан таълим-тарбия соҳаси самарасини янада ошириш, ўқитувчи меҳнатини қадрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани, устоз деган шарафли номнинг масъулияти нечоғли катталигини эътироф этдилар. Учрашувда Тошкент шаҳридаги мактаблар ва олий ўқув юртларининг бир гуруҳ ўқитувчиларига Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгашининг Фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирларда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Олим Равшанов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Фракция фаолияти

АДОЛАТЛИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

ОДАМЛАРДА МЕҲНАТДАН МАНФААТДОРЛИК ҲИССИНИНГ КУЧАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Аҳолининг муҳтож қатламлари — пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилаларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ҳар доим долзарб масала бўлиб келган. Яшаш шароити ва турмуш даражаси оладиган пенсия ва нафақасига боғлиқ бўлган бундай қатламни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор эзгу ишлар амалга оширилаяпти. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз раҳбари илгари сурган кучли ижтимоий сиёсат тамойили ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Яқинда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони фикримизнинг далилидир.

Ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, яратадиган имкониятларини чуқур ўрганиш ва уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш вазифаларини белгилаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси давра суҳбати ташкил этди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов, ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини изчил ошириш, эҳтиёжманд қатлам ҳимоясини кучайтиришга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат юритиб келинаётганини алоҳида таъкидлади.

Парламент қуйи палатаси депутатлари, ЎзХДПнинг Тошкент шаҳар туманлари кенгашлари раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари мавзу юзасидан батафсил тушунтириш бердилар.

— Ҳозирги кунда республикамизда 3 миллионга яқин пенсионер мавжуд, — деди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Пенсия таъминоти бошқармаси бошлиғи Маҳмуджон Зиёдуллаев. — Уларнинг 1 миллион 973 минг 626 нафарини ёшга доир, 526 минг 361 нафарини ногиронлик, 219 минг 524 нафарини боқувчисини йўқотганлик пенсияси, 242 минг 18 нафарини ижтимоий нафақа олувчилар ташкил этади. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган Фармони шу жиҳати билан диққатга сазоворки, пенсионерларга амалий ғамхўрликни кучайтириш учун уларнинг пенсиялари миқдори тўғридан-тўғри эмас, балки пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш орқали оширилади. Амалдаги қонунчиликка асосан пенсияни ҳисоблаб чиқиш чоғида энг кам иш ҳақининг 7 каррасидан ошмаган миқдор инобатга олинар эди. Бу нима дегани?

Бугун мамлакатимизда энг кам ойлик иш ҳақи 15 525 сўмни ташкил этади. Олайлик, менинг ўртача ойлик иш ҳақим 155 минг сўмдан кўпроқ. Бу энг кам иш ҳақининг 10 баробари дегани. Бир дўстимники эса 108 675 сўм атрофида. Бу энг кам ойлик иш ҳақининг 7 каррасидир. Пенсия ҳисоблаб чиқаришда икковимизга ҳам 108 675 сўм миқдоридан келиб чиқиб пенсия тайинланади. Чунки, мен юқори маош олганим билан ўрнатилган чегара дўстимдан кўпроқ пенсия олишимга йўл қўймайди. Янги ҳуқуқий ҳужжат асосида эса энди менга 108 675 эмас, 124 200 сўм миқдоридан келиб чиқиб пенсия тайинланади. Чунки 7 карра деган чегара бир поғона юқорига кўтарилди.

— Кейинги йилларда ўртача ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақига нисбатан илдам суръатлар билан ортиб боряпти, — деди Молия вазирлиги ҳузуридаги республика пенсия жамғармаси ижрочи директори Шуҳрат Мансуров. — Пенсия ёшига етганлар орасида меҳнат даромадлари юқори бўлганлар ҳам кўпаймоқда. Мазкур меъёрнинг жорий этилиши пенсияга чиққунга қадар нисбатан юқори иш ҳақи олганлар, жумладан, шифокорлар, ўқитувчилар ёки оғир меҳнат шароитида ишлаган фуқаролар учун пенсия миқдорини анча кўтариш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ижтимоий адолат тамойилини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг кўпроқ ҳақ тўланадиган меҳнатдан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда фаолроқ иштирок этишдан манфаатдорлигини кучайтиришга хизмат қилади. Ўз вақтида оғир шароитда ишлаган, самарали меҳнат қилган кишиларнинг қариганда ҳам юқори пенсия олишлари адолатдан бўлади, деб ўйлайман.

— Фармон 2007 йилнинг 1 октябридан кучга кирса-да, шундан кейин пенсияга чиқадиган фуқароларга эмас, балки ҳозир пенсияда бўлган юртдошларимизга ҳам тааллуқли, — деди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари Козим Комилов. — Шу муносабат билан ижтимоий таъминот идоралари ўртача иш ҳақи энг кам иш ҳақининг етти каррасидан ортиқ бўлган шахсларнинг илгари тайинланган пенсияларини қайта кўриб чиқаяпти. Бунда пенсия олувчиларнинг оворагарчиликларига йўл қўйилмайди. Мавжуд ҳужжатларга асосан пенсия миқдори қайта кўриб чиқилади.

САВОЛ: — Пенсия қанча миқдорда кўпаяди?

ЖАВОБ: — Кимнинг ўртача ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 8 баравари миқдорида ёки ундан кўп бўлса, уларнинг пенсияси 14 фоизга, агар 7 ва 8 баравар орасида бўлса, тегишлича 14 фоизгача ошади.

САВОЛ: — Сиз айтган 14 фоиз нимага нисбат қилиб олинган?

ЖАВОБ: — Айни пайтда олиб турган пенсияси миқдорига нисбатан.

САВОЛ: — Фармон ижросига доир қандай тайёргарлик олиб борилмоқда?

Жавоб (К.Комилов): — Республикамизда пенсия тизими компьютерлаштирилган, махсус дастурлар асосида ишлайди. Ҳозир ана шу дастурларга ўзгартиришлар киритилди. Пенсия тўлови ҳужжатлари ҳам тайёр.

САВОЛ: — 1988 йилда пенсияга чиққан бўлсам, менга пенсияни қайта ҳисоблаб чиқариш бугунги кундаги энг кам иш ҳақи билан ўлчанадими ёки ўша даврдаги миқдор асос қилиб олинадими?

ЖАВОБ: — 10 йил олдинги энг кам иш ҳақи миқдори билан бугунги меъёр бир-бирига тўғри келмайди. Сизга пенсия ҳисоблаб чиқаришда қайси даврдаги ўртача ойлик даромадингиз ҳисобга олинган бўлса, ўша даврдаги энг кам иш ҳақига нисбатан олинади.

САВОЛ: — Президент Фармонида бир ҳафта ичида тегишли қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрланиши топширилган...

ЖАВОБ: — Биз тегишли идоралар билан бирга, бу борада ўз таклифларимизни ишлаб чиқдик ва уни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этдик.

САВОЛ: — Фармон мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш борасида қандай ишлар амалга оширилаяпти?

ЖАВОБ: — Туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари ўз ҳудудида тарғибот ишларини олиб бораяпти. Фуқароларда туғиладиган саволларга ўз вақтида жавоб қайтариш мақсадида ишонч телефонлари ташкил қилинди. Аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боришда депутатлар, ЎзХДП ташкилотлари билан ҳамкорликни изчил йўлга қўйсак, барчамиз учун манфаатли бўлар эди.

Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири
Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» асосида жами 2888311 ўқувчи ўрнига эга 8476 та мактабда янгидан қуриш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган. Дастур қабул қилингач, яъни 2004 йилдан буён ўтган вақт мобайнида 3064 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Жорий 2007 йилда 1598 та мактабда бунёдкорлик ишлари белгиланган бўлиб, улардан 60 таси янгидан қуриб битказилган, 490 таси капитал реконструкция, 676 таси капитал ва 372 таси жорий таъмирланган. Бундан ташқари, дастурга қўшимча равишда яна 10 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу мақсадларга Мактаб таълими жамғармаси томонидан жами 267.0 миллиард сўм маблағ сарфланган.

2006-2007 ўқув йилида 642427 нафар ўғил-қизларимиз мамлакатимиздаги 9773 та мактабнинг 9-синфини, 228833 нафари эса 11-синфни тамомлади.

Янги 2007-2008 ўқув йилида мактабларга қабул қилинган 495 минг нафар жажжи фарзандларимизга Президентимиз совғаси — 12 номдаги ўқув-қуроллари ва дарсликлардан иборат мактаб сумкалари топширилди.

МУАЛЛИМНИНГ ОБРЎСИ

ЧОРТОҚ ТУМАНИ, ҚОРАМУРТ ҚИШЛОҒИЛИК ОДДИЙ МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИ АСҚАРАЛИ МАМАТОВ МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ ДАВЛАТЛАРИНИНГ РУС ТИЛИ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТАНЛОВДА ҒОЛИБ БЎЛДИ

Асрий адирликлар бағрида жойлашган Қорамурт қишлоғи ҳақида кўплаб ривоятлар бор. Улардан бирида айтилишича, Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларини зиёрат қилишга борган бир тўп зиёратчилар ул зотнинг суҳбатидан бахраманд бўлиш илинжида холироқ вақтни кутишаркан. Одоб, тавозе, иззат-ҳурмат жо бўлган бу кутиш чоғида икки забардаст йигит ҳазратга бўлган эҳтиромларини ашула қилиб куйлай бошлашибди. Уларнинг қироати кўпчилик қатори улуғ авлиёга ҳам маъқул келибди. Шу-шу, водий томондан кимки зиёратга борса улуғ пирнинг шогирдлари ўша йигитларни эслаб, «Бизнинг қори муридларга салом бўлсин» дейишаркан. «Қори мурид» тилдан-тилга кўчиб, кейинчалик «Қорамурт» деган қишлоқ номига айланибди.

Қорамурт қишлоғининг тарихи билан боғлиқ ривоятлардан бири шу. Тажрибали ўқитувчи Асқарали Маматов ана шундай афсоналардан кўпини йиғиб, тартибга солган. Муаллимнинг айтишича, Қорамурт «булоқлар қишлоғи» деб ҳам аталаркан. Ундан ортиқ зилол сувли булоқларнинг иккитасида балиқлар ўрдаси ҳам бор. Қорамуртликлар бу балиқларни бегона назарлардан асраб-авайлашади. Қишлоқ аҳолисига хос яна бир хусусият шуки, бу ерда ёшлар билимга, ҳунар эгаллашга алоҳида меҳр қўйган.

Асқарали Маматов 36 йилдан буён, ана шу қишлоқдаги 17-ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. Унинг касбини танлаган шогирдларининг ўзи ҳозирда ўндан зиёд. Олтмишни қоралаб қолган муаллимнинг оиласида ҳам қишлоққа хос муҳит бор. Яъни, турмуш ўртоғи Мукаррамхон ая билан 6 нафар фарзандини қорамуртликлар каби илм-фанга қизиқувчан қилиб тарбиялашди.

Муаллим 20 йил туман халқ таълими бўлимида рус тили ва адабиёти фанини ўқитиш бўйича шўъба раҳбари бўлди. Таълим-тарбияга оид 30 га яқин услубий маъруза ва мақолалари эълон қилинган. Республика миқёсидаги анжуманларда иштироки давомида «ташаббускор ўқитувчи» деган ном ҳам олди. Унинг ёшлар тарбияси йўлидаги саъй-ҳаракатлари ва меҳнатлари эътироф этилиб, 2002 йилда Президентимиз томонидан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган.

Жонкуяр муаллим яқинда яна бир муваффақиятга эришди. МДҲ ва Болтиқбўйи давлатларининг рус тили ўқитувчилари ўртасида ўтказилган Пушкин номидаги халқаро танловда иштирок этиб, 300 дан зиёд қатнашчилар орасида ғолиб бўлди.

— Танлов ғолиби сифатида янги ўқув йили олдидан Москвада бўлиб қайтдим, — дейди Асқарали Маматов. — Менга қимматбаҳо мукофот ҳам топширишди. Лекин мен учун энг катта мукофот — бу бошқа кўплаб мамлакатлардан келган ҳамкасбларимнинг она-юртимиз ҳақидаги қизғин эътирофлари бўлди. Улар биздаги ўзгаришлар, бунёдкорликлар ҳақида тўлиб-тошиб гапиришди. Мен эса уларга ҳар бир йилнинг номланишидаги ҳикмат, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида қилинаётган ишлар ва айниқса, таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг бугунги самаралари ҳақида гапириб бердим. Ҳатто минбардан туриб «Мен бир қишлоқ муаллимиман», деб биз ўқитувчиларга юртимизда яратилаётган рағбат ва эътибор ҳақида фахр билан айта олдим. Чунки илгарилари бундай гаплар қаёқда эди...

Ҳа, оддий бир қишлоқ муаллимининг дунё миқёсига чиққан обрўйини кўриб, унинг ўз касби ҳақида ана шундай тўлиб-тошиб, тўлқинланиб гапиришини эшитиб, такрор бўлса-да, бизга бу неъматларни берган мустақиллигимизга яна бир бор шукрона айтасан...

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

2007 йилда республика бўйича замонавий ўқув компьютер синфлари билан жиҳозланган умумтаълим мактаблари сони 4961 та (50,8 фоиз)ни ташкил этди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида 2007 йилда мамлакатимиздаги барча Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларига Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 114 дона «ISUZU» автобуслари топширилди.

Республика умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг дарслик ва ўқув қўлланмалар билан умумий таъминланиши 2006-2007 ўқув йили якунида 95,7 фоизни ташкил этди. 2007 йилда умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун 248 номда, жами 19,5 млн. нусха дарсликлар чоп этилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш масаласига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор берилиб, 1992-2007 йиллар мобайнида 3040 нафар педагог-ходим давлат мукофотлари билан тақдирланди. Шулардан 5 нафари энг олий мукофот — «Ўзбекистон Қаҳрамони», 299 нафари «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», 310 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 200 нафари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», 23 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» унвонига сазовор бўлишди. Бундан ташқари, яна кўплаб устоз-мураббийларимиз ҳукуматимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирланишган.

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

профессор-ўқитувчилари, кўпсонли талабалари ва ишчи-ходимлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги жамоасини, барча ўқув юртларида меҳнат қилаётган ўз ҳамкасбларини, шу жумладан, мамлакатимиздаги устоз-мураббийларни

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами билан

чин дилдан муборакбод этади!

Азиз мураббийлар!

Билим ва тафаккурингизни, бутун умрингизни бағишлаган келажагимиз пойдевори — ёш авлод тарбиясидек машаққатли ва шарафли ишингизда Сизга куч-қувват тилаймиз. Кўзингизни нур, қалбингизни эзгулик туйғулари тарк этмасин, хонадонингиздан бахту саодат, тинчлик ва хотиржамлик аримасин!

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Маърифатпарвар халқимиз келажак бунёдкори, деб эъзозлайдиган, дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгалари бўлган муҳтарам устозларни, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази ходимларини

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий табриклайди.

Муҳтарам Устозлар!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хайрли ишларингизда омад ҳамиша ёр бўлсин.

ОЛМАЛИҚ САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Тошкент вилояти бошқармаси ходимларини, таълим соҳасида фаолият юритаётган барча ҳамкасбларни касб байрами

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан қутлайди!

Биз учун қадрли бўлган азиз ва меҳрибон устозларга касбий фаолиятларида улкан зафарлар, мустақил юртимизнинг келажаги бўлмиш ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаётган мураббийларимиз қалби ҳамиша меҳру садоқат нури билан чулғанишини тилаб қоламиз!

Бизнинг билим масканимизда бугунги кунда 82 нафар малакали ўқитувчи-мураббийлар фаолият юритмоқда. Уларнинг 5 нафари фан номзодларидир. Коллежимизни шу йил тугатган ўқувчиларимизнинг 30 нафардан ортиғи республикамиз олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинди, қолганлари эса муқим иш жойлари билан таъминланди.

Биз ўз касбимиздан фахрланамиз ва бутун куч-ғайратимиз, билимимизни баркамол авлод тарбиясига бағишлаётганимиздан бахтиёрмиз.

ҲАЗОРАСП САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хоразм вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ходимларини ҳамда таълим тизимида хизмат қилаётган фидойи устоз ва мураббийларни қутлуғ байрамлари билан табриклайди.

Сизларга узоқ-умр, бахт-саодат, оилавий хотиржамлик ва хайрли ишларингизда янгидан-янги зафарлар тилаймиз!

Байрамингиз муборак бўлсин, Азиз Устозлар!

НАМОЙИШЧИЛАР ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛДИ

Мьянма (собиқ Бирма) пойтахти Янгон (собиқ Рангун)да давом этаётган оммавий норозилик намойиши ҳарбийлар ва полиция томонидан куч ишлатиш йўли билан, яъни ўқ отар қуроллар ва кўздан ёш оқизувчи газ қўллаб, тарқатиб юборилди. Полиция ва ҳарбийлар билан намойишчилар ўртасида юз берган тўқнашув натижасида ўнлаб кишилар тан жароҳати олди, 9 киши эса ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг икки нафари зобитлар, икки нафари хорижий журналистлар, 5 нафари эса роҳиблардир.

«Sky News» телеканалининг хабар беришича, Янгон кўчаларига 70 мингдан ортиқ намойишчи йиғилган эди. Улар ҳокимият тепасида турган ҳарбий хунта томонидан ёнилғи нархининг оширилишига қарши, шунингдек, демократик ислоҳотлар ўтказилишини, Демократия учун миллий лигаси етакчиси (10 йилдан бери уй қамоғида), Нобель мукофоти совриндори Аун Сан Су Чи озод этилишини талаб қилиб, намойиш ўтказишаётган эди. Оммавий намойишларнинг илк кўринишлари 19 августдан бошланган.

Намойишчилар тарқатиб юборилгач, улар яна тўпланмаслиги учун асосий кўчалар тиконли симлар билан ўралди, хавфсизлик кучлари эса будда монастирларида (намойишчилар асосини будда дини роҳиблари ташкил этган) рейдлар ўтказди. Натижада 500 га яқин роҳиб ҳукуматга қарши бўлганлар сифатида гумонланиб, қамоққа олинди.

АҚШ ва Европа Иттифоқи Мьянма маъмуриятининг ушбу шафқатсизлиги учун мамлакат ҳукуматига нисбатан БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан санкция жорий этиш ташаббуси билан чиқди. БМТ Хавфсизлик Кенгашида бўлиб ўтган икки соатлик баҳс-мунозаралардан сўнг Хитой тутган позиция боис Мьянма ҳукуматига нисбатан санкция жорий этилмади.

ЗАРАР МИҚДОРИ ҲИСОБЛАНДИ

Қозоғистон маъмурияти Россиянинг «Протон-М» ракетаси парвоз чоғида қулаб тушиши натижасида ҳудудга етказган зарарни ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Дастлабки тахминларга кўра, республика маъмурияти Россиядан бир миллиард тенге (8,2 миллион доллар)дан ортиқ товон пули тўлашни талаб қилмоқчи. Етказилган зарарнинг аниқ ҳисоби унинг оқибатлари бартараф этилгач, маълум бўлади. Бу ҳақда Қозоғистон фавқулодда вазиятлар вазири Виктор Храпунов берган манбаларга асосланиб, «Интерфакс» АА хабар тарқатди.

Қозоғистон атроф-муҳит муҳофазаси вазири Нурлан Искаковнинг баёнот беришича, ушбу товон пули 2006 йил июлда Россиянинг «Днепр» ракетаси қулаб тушиши натижасида етказилган зарар учун тўланган пулдан анчагина кўпдир. Ўшанда зарар ҳукумат комиссияси томонидан 1,1 миллион доллар миқдорида баҳоланган эди. Аслида ракета қулаб тушган ҳудуд — Қизилўрда вилояти маъмурияти ракетанинг заҳарли ёнилғиси ўсимликларга, тупроқ ва сувга етказган зарари учун 333 миллион доллар товон пули талаб қилган.



Маълумотларга қараганда, «Протон-М» ракетаси 6 сентябрь куни фазога учирилган. У Япониянинг алоқа суньий йўлдошини орбитага олиб чиқиши керак эди. Аммо ракетанинг носозлиги боис у Қарағанда вилояти ҳудудига қулаб тушган.

«Kazakhstan Today» АА хабар қилишича, ҳалокат ҳудудида зарарли токсик модда миқдори меъёрдагидан 2,5-17,5 марта ортиб кетган.

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

Пекинда Шимолий Кореянинг ядро муаммоси, аниқроғи, ядро объектларини бутунлай ёпиш муддати юзасидан олти томонлама музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди. Унда Хитой, Россия, АҚШ, Япония, Корея Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси делегацияси қатнашмоқда.

Маълумки, — дейилади «BBCRussian.com» сайтидаги хабарда, — ўтган йили КХДР ядро синовини ўтказган ва жаҳон ҳамжамияти аралашувидан сўнг ядровий фаолиятини тўхтатган эди (кўрсатилажак халқаро ёрдам эвазига).

Ҳозир Ёнбендаги плутоний ишлаб чиқарувчи ядро реактори фаолияти тўхтатилган. Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) инспекторлари ҳам буни тасдиқлади. Энди шу йил охиригача қолган ядро объектлари ҳам фаолиятини тўхтатиши ва ёпилиши лозим. Бунинг эвазига Пхеньян донор мамлакатлардан 950 минг тонна мазут олиши лозим. Ёрдамнинг биринчи партияси (50 минг тонна мазут) Жанубий Корея томонидан етказиб берилди.

Дарвоқе, яна шундай хабарлар ҳам пайдо бўлдики, расмий Пхеньян ўзининг ядро технологияларига оид барча маълумотларни Сурияга берармиш. Аммо Шимолий Корея маъмурияти расмий Дамашққа ядро қуроли яратиш борасида ёрдам бермоқчи, деган гапларни рад этди.

КИБЕРҲУЖУМЛАРГА ҚАРШИ ЯНГИ АГЕНТЛИК ТУЗМОҚЧИ

АҚШ президенти маъмурияти четдан бўладиган «компьютер ҳужуми»га қарши ҳукумат таркиби доирасида янги агентлик ёки марказ тузишни мўлжаллаб турибди. «ABC» телекомпаниясидан олинган манбаларга асосланиб, «Новости» АА бу ҳақда хабар тарқатди.

Телекомпания маълумотларига кўра, шу йил июнда юз берган воқеа, яъни хитойлик хакерларнинг АҚШ Мудофаа вазирлиги компьютер тармоқларига кириши юқорида айтиб ўтилган қарор қабул қилинишига сабаб бўлган.

АҚШда компьютер хавфсизлигини таъминлаш учун Оқ уй маъмурияти 2008 йил бюджетидан 6 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратади.

АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари 8-бўлинмасининг командири, генерал-лейтенант Роберт Элдернинг айтишича, Вашингтон билан Пекин ўртасида янги таҳдидлар пайдо бўлмоқда. Унинг сўзларига қараганда, Хитой АҚШнинг киберкенгликларда эгаллаган мавқеини чеклаб қўймоқчи.

Пентагон яна шу ҳақда баён қилдики, Хитой халқ озодлик армияси ўзига душман бўлган томоннинг компьютер тизимига ҳужум қилувчи, яъни вируслар яратувчи махсус бўлинма ташкил этган. Бундан ташқари, электрон контрчора (электрон ҳужумга қарши мудофаа) ишлаб чиқиш учун маблағ ажратмоқда.

Хитой Ташқи ишлар вазирлиги эса Пентагоннинг бу маълумотларини қатъий рад этди. Буни қўпол равишда ички ишларга аралашиш, дея баҳолади. Пекиннинг ҳарбий салоҳияти фақат мудофаа характеридадир.

Шу йил 4 сентябрь куни маълум бўлдики, июнь ойида Хитой хакерлари Пентагоннинг ҳарбий компьютер тармоғини бузган. Америка маъмурияти буни Мудофаа вазирлигига қарши қаратилган энг жиддий киберҳужум, дея баҳолади.

5 сентябрь куни эса хитойлик хакерлар Буюк Британиянинг Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа давлат муассасалари компьютер тармоғига «ҳужум» уюштирганлиги маълум бўлди. Экспертларнинг фикрича, Британия ҳукумати бундан жиддий зарар кўрган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Германия канцлери Ангела Меркел хоним ҳам Пекинга қилган ташрифи чоғида хитойлик хакерларнинг федерал ҳукумат компьютерларига жиддий ҳужумлари масаласини кўтарди, дея хабарини якунлайди «Новости» АА.

●●●

Қуйидаги хабар ҳам Пентагон фаолияти билан боғлиқ. «Reuters» АА маълум қилишича, Пентагон маъмурияти Оқ уй раҳбариятидан Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий операциялар учун 2008 йилга 190 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратилишини сўраган.

Маълумки, жорий йил февралда АҚШ президенти маъмурияти ҳарбий операцияларни молиялаш учун 147 миллиард доллар ажратилишини маъқуллашни Конгресдан сўраган эди. Бу маблағ шу йил 1 октябрдан ажратилиши керак эди. Аммо Пентагон бу борадаги фикрини ўзгартирди, яъни яна қўшимча 42 миллиард доллардан ортиқ маблағ зарурлигини айтди.

Эслатиб ўтамиз: 2006 йилда ҳам Пентагон 2007 йил учун қўшимча 99,7 миллиард доллар сўраган ва Ироқ ҳамда Афғонистондаги харажатлар учун сарфланадиган маблағни 170 миллиард долларга етказган.

Конгресснинг ҳисоб палатаси маълумотларига кўра, 2001 йил сентябрдан бери АҚШ Афғонистон ва Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар учун жами 600 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфлади.

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

профессор-ўқитувчилари, ишчи-ходимлари ва ўқув юрти талабалари

Юртимизда таълим соҳасида фаолият юритаётган барча ҳамкасбларимизни, ўқитувчи-мураббийларимизни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимларини касб байрамлари бўлмиш

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

муносабати билан муборакбод этади!

Келажагимиз равнақи йўлида ёшларга чуқур билим ва тарбия бериб, ўз қалб қўрини бахшида қилаётган шарафли касб соҳиблари — азиз устозларимизнинг ҳаётлари ҳамиша қувончга тўлишини тилаб қоламиз.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2008 ЙИЛДА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАНИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ МАКТАБ ВА КАСБ–ҲУНАР КОЛЛЕЖ ИНШООТЛАРИГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Шаҳрисабз тумани, Қорапойча қишлоғида 540 ўқувчи ўринли иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи қурилиши.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 1.749.139.000 сўм. Қурилиш муддати — 330 кун.

2. Қамаши тумани Қоратепа қишлоғида 720 ўқувчи ўринли ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи қурилиши.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 2.543.915.000 сўм. Қурилиш муддати — 330 кун.

3. Китоб шаҳрида 720/100 ўқувчи ўринли «Педагогика» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 2.389.297.250 сўм. Қурилиш муддати — 330 кун.

ЛОТ №7:

Лот 7-1. Миришкор туманидаги 490 ўқувчи ўринли 24-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 509.811.580 сўм. Қурилиш муддати — 240 кун.

Лот 7-2. Ғузор туманидаги 690 ўқувчи ўринли 3-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 490.323.400 сўм. Қурилиш муддати — 240 кун.

Лот 7-3. Чироқчи тумани, Шамолқудуқ қишлоғидаги 180 ўқувчи ўринли 148-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 291.346.560 сўм. Қурилиш муддати — 210 кун.

Лот 7-4. Қарши шаҳридаги 650 ўқувчи ўринли 21-сонли мактабни капитал реконстукция қилиш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 434.249.280 сўм. Қурилиш муддати — 210 кун.

ЛОТ №8:

Лот 8-1. Нишон туманидаги 320 ўқувчи ўринли 22-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш ва янги филиал қурилиши.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 389.045.140 сўм. Қурилиш муддати — 210 кун.

Лот 8-2. Ғузор тумани, Дўлтали қишлоғидаги 520 ўқувчи ўринли 32-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 342.887.760 сўм. Қурилиш муддати — 240 кун.

Лот 8-3. Яккабоғ тумани, Абди қишлоғидаги 96 ўқувчи ўринли 88-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 138.189.900 сўм. Қурилиш муддати — 150 кун.

Буюртмачи *— Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.*

Манзил *— Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.*

Телефон: (8-375) 227-16-56, 227-19-82.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Мактаб иншоотларига: бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан, касб-ҳунар коллеж иншоотларига: давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КАСБИ ТУМАНИ МОЛИЯ БЎЛИМИ КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

● *Касби тумани Молия ва ғазначилик бўлимини капитал реконструкция қилиш.*
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 195.895.400 сўм. Қурилиш муддати — 105 кун.

Буюртмачи *— Қашқадарё вилоят Касби тумани молия бўлими.*

Манзил *— Қашқадарё вилояти, Касби тумани.*

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Касби тумани маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

● *етарли касбий ва техникавий малакага;*

● *иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;*

● *молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;*

● *шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;*

● *юридик ҳуқуқка эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.*

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 223-19-14.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин Қашқадарё вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Манзил: Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1-уй.

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилари ва талабалари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоасини, барча ўқув юртларида меҳнат қилаётган ҳамкасбларини, шу жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришдек эзгу ишга даҳлдор бўлган барча устоз-мураббийларни

касб байрамлари билан чин қалбдан табриклайди.

Уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фарзандларимиз келажаги йўлидаги меҳнатларига улкан зафарлар тилаб қолади!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»дан хушхабар!

2007 йил 31 октябрдан

Навоий-Москва (Домодедово)-Навоий

йўналиши бўйича янги HY- 617/618 қатнови очилади.

Қатновлар чоршанба кунлари Ту-154 самолётларида бажарилади

Навоийдан учиш 18.15
Москвага етиб бориш 21.30
Москвадан учиш 23.30
Навоийга етиб келиш 05.20 (пайшанба)

(Парвозлар ҳар бир пункт учун маҳаллий вақтларда кўрсатилган)

Қатновлар жадвали, жойларнинг мавжудлиги, авиачипталар ва ташишлар тўғрисидаги маълумотларни олиш учун телефонлар (ҳар куни соат 8.00 дан 19.00 гача) (998 71) 140-02-00 (43622) 3-40-70.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — ишончлилик, барқарорлик, қулайлик!
www. uzairways. com

Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан 21.08.2001 йилда рўйхатга олинган «SURAYYO SAVDO» МЧЖга берилган 4406-сонли код ОКПО 17920058 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти томонидан 1992 йилда Собиров Давронбек номига берилган рўйхат рақами 482-сонли Ш-ВN№624667 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қуйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шарти билан

ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Янги қурилиш: I.

Т/р	Объектлар номи	Ўқувчи ўрни
1	Оқолтин тумани, «Бобур» ДФХУ касб-ҳунар коллежи (маиший хизмат)	360
2	Сайхунобод тумани, «Гулистон» ДФХУ касб-ҳунар коллежи (қишлоқ хўжалиги)	360
3	Сайхунобод тумани, «К.Султонов» ДФХУ касб-ҳунар коллежи (агросаноат)	540
4	Сайхунобод тумани, «Пахтакор» ДФХУ касб-ҳунар коллежи (маиший хизмат)	540
5	Сардоба тумани, «Ф.Хўжаев» ДФХУ касб-ҳунар коллежи (иқтисодиёт)	360
6	Сирдарё ш., «Охунбобоев» мах. касб-ҳунар коллежи (тиббиёт)	540/150

Қурилишни якунлаш муддати — 2008 йил август ойи.
Буюртмачи — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Қурилиш ишларини молиялаштириш Молия вазирлиги қошидаги мактаб фонди жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

II.

Т/р	Объектлар номи	Ўқувчи ўрни
1	Боёвут тумани, Фарҳод мах. Фарҳод-2 ф/х 52-сонли мактаб	270
2	Ховос тумани, Қоракум мах. Бобур ф/х 2-сонли мактаб	216
3	Гулистон ш., 27-сонли Мехрибонлик уйи	100/100

Қурилишни якунлаш муддати — 2008 йил июль ойи.
Буюртмачи — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30 уйда жойлашган Сирдарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Қурилиш ишларини молиялаштириш Молия вазирлиги қошидаги мактаб фонди жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

III.

Т/р	Объектлар номи	Ўқувчи ўрни
1	Оқолтин тумани, 12-сонли мактабга спортзал қурилиши	9X18
2	Ховос тумани, 20-сонли мактабга спортзал қурилиши	9X18
3	Боёвут тумани, 47-сонли мактабга спортзал қурилиши	12X24
4	Гулистон тумани, 17-сонли мактабга спортзал қурилиши	12X24
5	Сайхунобод тумани, 17-сонли мактабга спортзал қурилиши	12X24
6	Сирдарё тумани, 20-сонли мактабга спортзал қурилиши	12X24
7	Гулистон ш., болалар спорт комплекси 1-тип (8-сонли мактаб)	1-тип
8	Сайхунобод тумани, 28-сонли мактаб учун Маданият маркази биносини 5-тип спорт мажмуасига айлантириш учун реконструкция қилиш	5-тип

Қурилишни якунлаш муддати — 2008 йил июль ойи.
Буюртмачи — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги қошидаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

IV.

Мактаб биноларини мукаммал реконструкция қилиш:

Т/р	Объектлар номи	Ўқувчи ўрни
1	Гулистон ш., Қувонч мактаби	315
2	Янгиер ш., Футбол мактаби	180
3	Оқолтин тумани, «А.Яссавий» мах. Андижон ф/х 12-сонли мактаби	240
4	Боёвут тумани, «А.Навоий» мах. А.Навоий ф/х 3-сонли мактаби	620
5	Боёвут тумани, «Қушкан» мах. 21-сонли мактаби	500
6	Боёвут тумани, Боёвут-1 ф/х 42-сонли мактаби	315
7	Боёвут тумани, Дўстлик мах. Навбаҳор ф/х 47-сонли мактаби	330
8	Гулистон тумани, Ўзбекистон к. 15-сонли мактаби	588
9	Гулистон тумани, Деҳқонобод к. 27-сонли мактаби	180
10	Мирзаобод тумани, Пахтаобод к. Мустақиллик ф/х 27-сонли мактаби	200
11	Сайхунобод тумани, Отамакон к. Бирлашган ф/х 3-сонли мактаби	200
12	Сайхунобод тумани, Пахтакон қишлоғи А.Темур ф/х 6-сонли мактаб	260
13	Сайхунобод тумани, Қурултой к. Бирлашган ф/х 7-сонли мактаби	260
14	Сайхунобод тумани, Пахтакор к. 17-сонли мактаби	360
15	Сайхунобод тумани, Парпиота к. Бирлашган ф/х 37-сонли мактаби	120
16	Сайхунобод тумани, Зарбдор мах. К.Султонов ф/х 40-сонли мактаби	260
17	Сирдарё тумани, С.Раҳимов ф/х 4-сонли мактаби	96
18	Сирдарё тумани, А.Навоий к. Ўзбекистон ф/х 28-сонли мактаби	320
19	Сирдарё тумани, Боғаро мах. Синдоробод ф/х 38-сонли мактаби	96
20	Ховос тумани, Оқчангал мах. 8-сонли мактаби	587
21	Ховос тумани, Тўқинчилик мах. Мустақиллик 5 йиллиги ф/х 20-сонли мактаби	190

Қурилишни якунлаш муддати — 2008 йил июль ойи.
Буюртмачи — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Қурилиш ишларини молиялаштириш бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20% миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда** жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тел.: (8 3672) 27-64-84,
факс: (8 3672) 27-64-42

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ХОНҚА ҚУРИЛИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ходимларини ва барча ҳамкасбларни

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

билан самимий табриклайди!

Азиз устоз ва мураббийлар!

Барчангизга узоқ умр, шарафли, масъулиятли ишларингизда омадлар тилаймиз.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 30 октябрь ва 2,6,9,13,16,20,23,27,30 ноябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Мирзо Улуғбек тумани:

Ш.Бурхонов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,025 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 922 500 сўм.** Ҳумоюн мавзесида жойлашган, сатҳи 0,03 гектардан иборат бўлган 6 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 2 205 000 сўм** ҳамда сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 470 000 сўм.** Устабоев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 8 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 512 000 сўм.**

Юнусобод тумани:

Ҳасанбой мавзесида жойлашган сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 4 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 624 000 сўм** ҳамда сатҳи 0,03 га. бўлган 6 ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 468 000 сўм.** Низомий 1-тор кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 2 412 000 сўм.**

Шайхонтохур тумани:

Тошкент кичик халқа йўли ва Қосимхўжаев кўчаси кесишувида жойлашган, сатҳи 0,037 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 2 208 900 сўм.**

Ер участкасининг бошланғич нархига ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар қўшилмаган, бу харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 2043999967, 20210000004243151002 хисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 133-02-49.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар,

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Объектнинг номи	Қурилиш муддати
	ЛОТ-1-11:	
Лот-1	Нуробод тумани, Уйғуғул қишлоғидаги 12-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	4 ой
Лот-2	Нуробод тумани, Жом қишлоғидаги 21-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	5 ой
Лот-3	Нарпай тумани, Қиёт қишлоғидаги 23-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	4 ой
Лот-4	Оқдарё тумани, Поники қишлоғидаги 10-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши	6 ой
Лот-5	Оқдарё тумани, Суганчи қишлоғидаги 6-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	5 ой
Лот-6	Пайариқ тумани, Аювчи қишлоғидаги 76-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	4 ой
Лот-7	Пайариқ тумани, Чуқур қишлоғидаги 26-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	5 ой
Лот-8	Пастдарғом тумани, Чархин қўрғонидаги 53-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши	4 ой
Лот-9	Пастдарғом тумани, Қашшов қишлоғидаги 57-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	4 ой
Лот-10	Пастдарғом тумани, Меҳнат қишлоғидаги 65-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	6 ой
Лот-11	Самарқанд тумани, Чоршанба қишлоғидаги 34-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши	5 ой
	ЛОТ-1-11:	
Лот-1	Самарқанд тумани, Каптархона қишлоғидаги 32-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши	4 ой
Лот-2	Самарқанд тумани, Хўжасоат қишлоғидаги 48-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши	5 ой
Лот-3	Тайлоқ тумани, Чорбоғтепа қишлоғидаги 43-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	4 ой
Лот-4	Тайлоқ тумани, Сочакипоён қишлоғидаги 11-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши	4 ой
Лот-5	Тайлоқ тумани, Бўтабой қишлоғидаги 46-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши	4 ой
Лот-6	Тайлоқ тумани, Қовчин қишлоғидаги 13-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	4 ой
Лот-7	Ургут тумани, Испанза қишлоғидаги 7-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	5 ой
Лот-8	Ургут тумани, Терак қишлоғидаги 73-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши	5 ой
Лот-9	Ургут тумани, Ишчак қишлоғидаги 18-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	5 ой
Лот-10	Ургут тумани, Ватак қишлоғидаги 21-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	5 ой
Лот-11	Ургут тумани, Зинак қишлоғидаги 43-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши	6 ой
	ЛОТ-1-12:	
Лот-1	Каттақўрғон шаҳри, Ўзбекистон кўчасидаги 6-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	5 ой
Лот-2	Булунғур тумани, Мўғул қишлоғидаги 13-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	6 ой
Лот-3	Булунғур тумани, Бот-бот қишлоғидаги 19-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	6 ой
Лот-4	Булунғур тумани, Зарафшон қишлоғидаги 10-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	6 ой
Лот-5	Жомбой тумани, Оққовун қишлоғидаги 49-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	6 ой
Лот-6	Иштихон тумани, Қорақўйли қишлоғидаги 76-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	5 ой
Лот-7	Иштихон тумани, Зарбанд қишлоғидаги 61-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	5 ой
Лот-8	Каттақўрғон тумани, Тарнов қишлоғидаги 6-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	5 ой
Лот-9	Каттақўрғон тумани, Исака қишлоғидаги 32-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	4 ой
Лот-10	Каттақўрғон тумани, Қўшҳовуз қишлоғидаги 68-сонли мактабга 12х24м. ўлчамли спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	5 ой
Лот-11	Қўшработ тумани, Жўш қишлоғидаги 32-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	5 ой
Лот-12	Қўшработ тумани, Саксончўл қишлоғидаги 49-сонли мактабга 9х18м. ўлчамли спортзал қурилиши	5 ой

Қурилиш ишлари — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси *— Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.*

Буюртмачи манзили: ***Самарқанд шаҳри, Кўк Сарой майдони, 1-уй, телефон: 8 (366) 235-82-86.***

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Самарқанд шаҳри, Кўк Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.
Тел: 231-13-51,
факс: 233-32-00.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк Сарой майдонида соат 16.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. «Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Сарибозор қишлоғидаги 450 ўқувчи ўринли ва 100 ўринли ётоқхонаси билан академик лицей қурилиши (калити билан)».

2. «Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 720 ўқувчи ўринли ва 100 ўринли ётоқхонаси билан академик лицей қурилиши (калити билан)».

Ишларни тугаллаш муддати: 2008 йил 1 августгача.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси, 76-уй.
Телефон/факс: (8371) 227-11-84.

Ишларни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри,
Ш.Рашидов кўчаси,
63-уй, 426-хона.
Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачининг манзилида ўтказилади.

ОЛМАЛИҚ КОНЧИЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Тошкент вилояти бошқармаси ходимларини, шунингдек, бу шарафли соҳада фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларимизни

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан муборакбод этади!

Меҳридарё устоз ва мураббийларимиз хонадонларига тинчлик, бахту саодат, машаққатли ва шарафли меҳнатларида омадлар ёр бўлишини тилаб қоламиз!

Олмалиқ шаҳридаги кончилик касб-ҳунар коллежига биргина 2007-2008 ўқув йилида 12 йўналиш бўйича 870 нафар ўқувчи қабул қилинди. Ҳозир бу ерда кундузги ва сиртқи бўлимларда 1802 нафар талаба таҳсил олмоқда. Коллеж фаолият бошлаган даврдан буён йигирма минг нафардан ортиқ талаба халқ хўжалигининг турли соҳаларига йўлланма олдилар. Ўқув даргоҳида 40 нафар малакали ўқитувчи ва мураббийлар ўқувчиларга сабоқ беришмоқда. 12 та фан тўтараги ишлаб турибди. Улардан 7 таси спорт машғулотларига ихтисослашган. Талабалар ишлаб чиқариш амалиётини ўзларининг оталиқ ташкилоти — Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати тасарруфидаги завод ва фабрикаларда ўтайдилар. Коллежни битирганларидан сўнг, 3 йил давомида ўзлаштирган назарий билимларини амалиётга татбиқ этиш йўлида, ўз ихтисосликларига кўра комбинат корхоналарига ишга юборилади. Ўқув даргоҳининг 34 та ўқув хонаси, маънавият маркази, кутубхона, спорт мажмуалари, фан кабинетлари, ўқув устахоналари, лаборатория — буларнинг ҳаммаси ўқувчилар хизматида.

Банк ва мижоз

«ЭНГ МУҲИМ ШАРТ — МИЖОЗ МАНФААТДОР БЎЛСИН»

— ДЕЙИШМОҚДА ЎЗМИЛЛИЙБАНК САМАРҚАНД ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ

Самарқанд туманидаги Ўзбекистон — Германия «Оҳалик — Ломанн-парранда» қўшма корхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд вилоят бўлими ўртасидаги ҳамкорлик самарали натижа бераётир.

Қўшма корхона 1997 йилда Германиянинг Куксхавен шаҳридаги «Ломанн-Герсухт» фирмаси иштирокида фаолият юрита бошлаган эди. Ўшанда «Ломанн-Браун» зотли жўжалар келтирилиб, тухум ва парҳез гўшт етиштиришга киришилганди. Эндиликда наслчилик ишлари такомиллаштирилиб, «Ломанн-Браун-классик» зотли жўжалари очирилмоқда.

— Даставвал бизда 250 нафар киши ишлаган бўлса, ҳозир уларнинг сони 500 дан ошди, — дейди қўшма корхона раҳбари Икром Раҳматов. — Жорий йилда ишлаб чиқариш қувватини ошириш, шу билан бирга қўшимча иш ўринлари яратишга ҳаракат қиляпмиз. Германиянинг «Миллер» фирмасиманиядан яна 35 минг дона наслли жўжа олиб келамиз.

Миллий банк бўлими фаолиятидан «Самарқанд-Парранда» қўшма корхонаси жамоаси ҳам мамнун. Улар ҳам банкдан олган 259 млн. сўм кредит эвазига хориждан кўплаб асбоб-ускуналар ва бир неча ўн минглаб зотли жўжалар олиб келишганди. Натижада корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори кўпайиб, сифати ошди.

Самарқанд шаҳридаги «Стеклопластик» акциядорлик жамияти эса банк бўлимидан 500 млн. сўм кредит олиб, ишлаб чиқаришни ривожлантираяпти. Кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Корхона раҳбари Икром Ҳасановнинг айтишича, завод яқин келажакда лойиҳада белгиланган қувватига етади.

Ўзмиллий банкнинг Самарқанд вилоят бўлими фаолияти билан бевосита боғлиқ бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шу боис ҳам унинг мижозлари сони тобора кўпаймоқда. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатини бу борада турли хизматлар кўрсатилмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган «Агроминитех Экспо-2007» кўргазма савдосида ҳам самарқандлик тадбиркор ва фермерлар янги, замонавий технологиялар сотиб олиш юзасидан хорижликлар билан қатор шартномалар тузишди. Миллий банкнинг Самарқанд вилоят бўлими ҳозиргача тузилган жами 867 миллион сўмлик шартномаларнинг биринчи босқичини маблағ билан таъминлади.

Чунончи, Ургут туманидаги «Баҳрин», «Кенагас» «Гулжаҳон» фермер хўжаликлари нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналар сотиб олишди. Каттақўрғон туманидаги «Шамсиддин» хусусий фирмасига эса кичик колбаса цехи ва мева қуритиш линиясини хорижий фирмадан келтириш учун 8,6 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Дарвоқе, бевосита қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиш учун ҳам кредитлар берилмоқда. Жумладан, банкнинг Жомбой филиали мижози Комил Исмоилов раҳбарлигидаги «Дилшода» фермер хўжалигига 71 миллион сўмга ғалла ўриш комбайни лизинг асосида олиб берилди. Алишер Жўраев бошлиқ «Ш.Жўраев» фермер хўжалигига ҳам комбайн сотиб олиш учун пул ажратилди.

Вилоят аҳолисини қишда ҳам сабзавот, ошкўк ва цитрус меваларини етказиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 40 минг бош товуқ боқишга мўлжалланган, Украинанинг «Агро-Симо-Машбут» фирмасидан эса соатига 10 тонна сифатли ем ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар келтирилди. Бунда Миллий банк бўлими корхонамизга катта ёрдам берди. Ҳозир банкдан олган 622,8 миллион сўмлик кредит эвазига катта ишларни амалга оширяпмиз. Яқин келажакда Германиядан 283 та фермер хўжалигига лойиҳалар тақдим этиляпти. Банк эса бу борада ўз мижозларига керакли барча ёрдамларни кўрсатиб келмоқда ва мижозларнинг ҳамма имтиёзли хизматлардан бахраманд бўлишига мададкор бўлмоқда.

Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан ҳам банк бўлимида қатор хайрли ишлар қилинмоқда. Ҳозиргача ёш оилаларни ижтимоий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун 604,6 млн. сўм кредит ажратилди. Шундан уй-жой қуриш учун 339,4 млн. сўм ипотека кредити, истеъмол товарларини сотиб олишга эса 129,6 млн. сўм маблағ ажратилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан банк бўлими томонидан ишлаб чиқилган режага асосан кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалардан 289 тасига 272,4 миллион сўм маблағ қорамол сотиб олиш учун ажратилди.

Банкнинг вилоят бўлими ва унинг филиаллари томонидан нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани янада қисқартириш юзасидан ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида банк кассаларига нақд пул тушумларини кўпайтириш ва биринчи даражали тўловлар ҳамда хўжалик субъектларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида нақд пул билан тўлиқ таъминлаш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланиляпти. Бунинг самараси ўлароқ аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб этиш бўйича яхши кўрсаткичларга эришилди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қурилиши кўзда тутилаётган объектлар бўйича очиқ танлов эълон қилади:

1. Қуйидаги умумтаълим мактабларини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш бўйича:

№ п/р	Объект номи	Қурилиш муддати (ой)
	Лойиҳа №6	
	Боғот туманида 240 ўқувчи ўринли мактаб биноси ва болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 12Х24 метрли спорт зали қурилиши	9

Лойиҳа мактаб таълими жамғармаси ва болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи — Урганч шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уйда жойлашган Хоразм вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Агар ишлар (хизматлар) билан боғлиқ фаолиятни лицензиялашга тўғри келиб қолса, унда танловга ўрнатилган тартибда лицензия олган ёки юқорида кўрсатилган ишлар (хизматлар)нинг бажарувчи лицензияси мавжуд ёрдамчи пудратчининг кафолатли хати бўлган талабгорлар қўйилади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўров билан танлов ташкилотчисига мурожаат қилиш зарур.

Савдо ташкилотчиси — Хоразм вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Манзили: Урганч шаҳри, П.Маҳмуд кўчаси, 10. Тел: 226-92-25.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади.

Урганч шаҳри, П.Маҳмуд кўчаси, 10. Тел: 226-92-25.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қуйидаги иншоотлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ:

№	Иншоот номи
1	Бойсун тумани, «Дарбанд» ширкат хўжалигидаги 540/50 ўқувчи ўринли «Педагогика» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
2	Олтинсой тумани, «Хўжасоат» ширкат хўжалигидаги 540/50 ўқувчи ўринли «Транспорт» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
3	Қумқўрғон тумани, «Қарсакли» қишлоғидаги 540/50 ўқувчи ўринли «Маиший хизмат» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
4	Термиз шаҳридаги 900/100 ўқувчи ўринли «Педагогика» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
5	Жарқўрғон тумани, «Оққўрғон» ширкат хўжалигидаги 540/50 ўқувчи ўринли «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш (агросаноат)» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
6	Термиз тумани, «Учқизил» ҚФЙ «Паррандачилик» маҳалласидаги 540/100 ўқувчи ўринли «Туризм ва меҳмонхона» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
7	Денов тумани, «Бобур» ширкат хўжалигидаги 540/50 ўқувчи ўринли «Енгил саноат» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
8	Денов туманидаги 15-сонли мактаб қошидаги 720/50 ўқувчи ўринли «Компьютер технологиялари» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
9	Қизириқ тумани, «Кунчиқиш» ширкат хўжалигидаги 540/50 ўқувчи ўринли «Қишлоқ хўжалиги» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
10	Сариосиё тумани, «Дашнобод» ширкат хўжалигидаги 720/50 ўқувчи ўринли «Педагогика» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
11	Термиз тумани, «Учқизил» ҚФЙ «Учқизил» маҳалласидаги 720/50 ўқувчи ўринли «Транспорт ва алоқа» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
12	Бандихон тумани, «Киршак» ҚФЙдаги 540/50 ўқувчи ўринли «Сув хўжалиги» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
13	Узун тумани «Алиев» ширкат хўжалигидаги 720/50 ўқувчи ўринли «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
14	Шеробод тумани, «Кўҳитанг» ширкат хўжалиги, «Зарабоғ» қишлоғидаги 540/50 ўқувчи ўринли «Иқтисодиёт» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
15	Шўрчи тумани, «Ж.Хўжамиёров» фермер хўжалигидаги 720/50 ўқувчи ўринли «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.
16	Музработ туманидаги «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қошида 30 ўринли ўқув ишлаб чиқариш устахонасини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.

Умумтаълим мактаблари:

	Янги қурилиш	
1	Жарқўрғон туманидаги 490 ўқувчи ўринли 44-сонли янги мактаб ва 12х24 м. спорт зали қурилиши.	
2	Ангор туманидаги 330 ўқувчи ўринли 6-сонли янги мактаб ва 12х24 м. спорт зали қурилиши.	
№	**Лот№**	**Капитал реконструкция**
1	1/1	Ангор туманидаги 300 ўқувчи ўринли 15-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
2	1/2	Ангор туманидаги 160 ўқувчи ўринли 40-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. спорт зали қурилиши.
3	1/3	Ангор туманидаги 260 ўқувчи ўринли 26-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. спорт зали қурилиши.
4	1/4	Ангор туманидаги 246 ўқувчи ўринли 27-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
5	2/1	Денов туманидаги 824 ўқувчи ўринли 6-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
6	2/2	Шўрчи туманидаги 540 ўқувчи ўринли 5-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
7	2/3	Жарқўрғон туманидаги 644 ўқувчи ўринли 16-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 12х24 м. спорт зали қурилиши.
8	2/4	Қизириқ туманидаги 240 ўқувчи ўринли 31-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
9	3/1	Қизириқ туманидаги 300 ўқувчи ўринли 28-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. спорт зали қурилиши.
10	3/2	Музработ туманидаги 280 ўқувчи ўринли 3-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
11	3/3	Музработ туманидаги 280 ўқувчи ўринли 41-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. спорт зали қурилиши.
12	3/4	Музработ туманидаги 330 ўқувчи ўринли 54-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 12х24 м. спорт зали қурилиши.
13	4/1	Бойсун туманидаги 180 ўқувчи ўринли 23-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
14	4/2	Бойсун туманидаги 180 ўқувчи ўринли 29-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
15	4/3	Бойсун туманидаги 120 ўқувчи ўринли 43-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
16	4/4	Сариосиё туманидаги 160 ўқувчи ўринли 10-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
17	5/1	Сариосиё туманидаги 700 ўқувчи ўринли 22-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 12х24 м. спорт зали қурилиши.
18	5/2	Термиз туманидаги 510 ўқувчи ўринли 8-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
19	5/3	Термиз туманидаги 240 ўқувчи ўринли 26-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. спорт зали қурилиши.
20	5/4	Узун туманидаги 300 ўқувчи ўринли 21-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. спорт зали қурилиши.
21	5/5	Узун туманидаги 180 ўқувчи ўринли 51-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
22	6/1	Узун туманидаги 210 ўқувчи ўринли 61-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
23	6/2	Узун туманидаги 160 ўқувчи ўринли 55-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
24	6/3	Олтинсой туманидаги 540 ўқувчи ўринли 5-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 12х24 м. спорт зали қурилиши.
25	6/4	Олтинсой туманидаги 330 ўқувчи ўринли 53-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
26	6/5	Олтинсой туманидаги 300 ўқувчи ўринли 61-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш ва 9х18 м. спорт зали қурилиши.

Иншоотларнинг қурилиш муддати — 2008 йил 1 август.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: *Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.* ***Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.***

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил буйича мурожаат этиш мумкин: ***Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.***

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

БОЛА ҚАЛБИНИ АНГЛАШ

МАСЪУЛИЯТИ ВА САОДАТИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги 5-мактаб директори Анор МАҲМУДОВА учун бола қалбининг мўъжизаларини кашф этиш кундалик ҳаёт тарзига айланган. У сўзлаб берган воқеалар кишини саодатга етакловчи мактаб, десак арзийди.

...Анча йил муқаддам бир ўқитувчимизни (ўзимизга қариндош ҳам бўларди) йўқлаб бордим. Уйида олти яшар боласи ётибди: қўлларининг томирлари тугун-тугун бўлиб бўртиб чиққан, ранги синиқ.

— Анор опа, бу боланинг тузалиб кетишига ақлим етмаяпти, шифокорлар ҳам яхши гап айтмаяпти, — деди отаси менга шивирлаб. Лекин бола унинг гапини эшитди ёки англади. Кўриб турибман — ўғлининг кўзлари яна ҳам ғамгинлашди, аввалгидан ҳам ғужанак бўлиб олгандай эди. Мен бир ёмон бўлиб кетдим.

— Нима деяпсиз, — дедим отасига, — бу ўғлим ҳозир олтига кирган бўлса, яқинда еттига чиқади, менинг мактабимга бориб ўқийди!

Боланинг кўзлари нурланди, менга тикилиб турарди.

— Қандай қилиб ўқитасиз, ахир бола ўтира олмайди-ку, — деди онаси эшитилар-эшитилмас ...

Назаримда, боланинг бутун вужуди қулоққа айланган, бўлаётган суҳбат унинг тақдирини ҳал қиладигандай эди. Мен онасининг гапини эшитмагандай сўзимда давом этдим:

— Ҳали кўрасизлар, бу бола синфдаги энг яхши ўқувчилардан бири бўлади, албатта тузалиб кетади, мактабда ўқийди!

Кунлар айланиб, сентябрь ҳам келди. Мен ўзим бош бўлиб болани мактабга олдирдим. Ҳақиқатан ҳам, у ўтира олмасди. Ўша синфни доим ўзим назорат қилардим. Кираман, болалар партада ўтиришади, у эса дарсда тикка турганича қатнашади. Юрагим эзилади — билдирмайман. Шундай қилиб, «Алифбе»ни ҳам тугатишди, бола ўқиш-ёзишни ўрганди. Бахтимизни қарангки, йилнинг охирига бориб, у оз-оз ўтирадиган бўлди. Лекин унгача...

Болани мактабга дадаси кўтариб олиб келиб, кўтариб олиб кетарди. Биринчи қават нисбатан тўполон, ҳаракат кўп бўлганлиги учун мен уни иккинчи қаватдаги синфга қўйгандим. Пастга тушиш керак бўлса, икки акаси олдинда, орқасида юриб зинадан олиб тушишарди. Бир куни бола ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлганми, ишқилиб, зинадан пастга ўзи тушмоқчи бўлибди-ю, кимнингдир сал турткисидан пастга думалаб кетибди. Боши ёрилиб, дадасини чақиришибди, «Тез ёрдам» эса уни шифохонага олиб борибди. Мен ўша пайтда иш билан туман марказига кетган эдим. Шифохонада боланинг бошини тикишибди. Врачлар «Нима учун бу болани мактабга юборасизлар? Ахир унинг ўқиши, кўпчиликнинг ичида юриши мумкин эмас-ку!» — дея отасига танбеҳ беришибди. Бола ўзига келиб кўзини очибди-ю, жонсарак бўлиб атрофга қараб чиқибди ва:

— Мен қаердаман? Қани менинг папкам? Мени мактабимга олиб боринглар! — деб йиғлай бошлабди.

— Ўғлим, сен шифохонадасан, ҳозирча мактабга боришинг мумкин эмас, — дебди отаси. Отанинг гапини шифокорлар маъқуллашибди, болани кўндирмоқчи бўлишибди. Лекин бола ҳеч кимга қулоқ солмай талаб қилавергач, уни мактабга олиб келишга мажбур бўлишибди.

— Ўғлим, сен ҳозир кўпроқ ётишинг керак, тузалиб кетганингдан кейин албатта ўқишни давом эттирасан, мен сендан ҳар куни хабар олиб тураман, — деганимда, у «Мен соппа-соғман, мактабдан қолишни истамайман», — деб сўзидан қайтмади. Шундан кейин уни ҳар куни мактабга олиб келиб, ўқитиб, ўзим шифокорларга кўрсатиб келадиган бўлдим. Бошининг жароҳатлари тузалди, мактабниям битирди, соғлиги яхшиланиб, юриб ҳам кетди. Кейинчалик ҳунар ўрганиб, ҳозир оиласи ҳаётига ўзининг меҳнатидан келган даромади билан ҳисса қўшаяпти. Ота-онанинг дунёдаги энг катта ниятлари амалга ошаётгандай, айни шу кунларда йигитни уйлаш тараддудида юришибди...

Мен бу ўқувчимнинг иродалилигидан фахрланаман, шунчалар хурсандманки, унинг тақдири — ҳаётда олган энг катта мукофотларимдан бири. Боланинг қалбини англаш, уни руҳлантириш, муаммолар олдида бош эгмай эзгуликка, муваффақиятга интилиш кўникмаларини шакллантириш биз ўйлаганимиздан ҳам кўпроқ ширин мевалар беради.

Ўз касбининг фидойиси бўлган қаҳрамон муаллима Анор МАҲМУДОВАнинг гапларини эшитиб, хаёлга чўмаман: қанийди ана шундай ўқитувчилар янада кўпайса, ҳар бир ўқувчи тақдири учун астойдил қайғурса, ўз ишига ижодий ёндашса...

Гулгун СУЛТОНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2007 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан жами 174 та, шу жумладан 10 та янги спорт мажмуаси ва 147 та мактабга спорт заллари қурилиши ҳамда 17 та мавжуд спорт иншоотлари реконструкция қилиниши режалаштирилган. Жорий йил 20 сентябрь ҳолатига кўра, шу йўналишда республика бўйича жами 20,4 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.



1-Тошкент педагогика коллежи мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди ва кўп йиллик ушбу фаолияти давомида мамлакатимиз таълим тизими учун 20 мингдан ортиқ ўрта-махсус маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаб берди.

Мустақиллик йилларида коллеж қайтадан таъмирланиб, замонавий мебель ва ўқув анжомлари билан жиҳозланди. Бугун бу масканда 2500 дан зиёд йигит-қиз бошланғич таълим, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, жисмоний тарбия ва болалар спорти йўналишларида таҳсил олишмоқда.

Коллежда ўқув жараёни энг янги ахборот технологиялари асосида замонавий компьютер синфлари ва ўқув лабораториялари, тикув-бичув, қандолатчилик, физика, кимё, тасвирий санъат, ўқув устахонаси ҳамда спорт залларида олиб борилади. Ўқитувчи-мураббийлар дарсларни илғор педагогик технологиялар, мультимедия дастурлари ва масофадан ўқитиш услубларидан фойдаланган ҳолда амалга оширадилар.

Суратларда: коллеж ўқитувчилари Бахмал Ҳамдамова дарс пайтида, Муаззас Хўжаева талабалар даврасида.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Мамлакатимизда ўқитувчи-мураббийларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2006-2007 ўқув йилида умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатган 450307 нафар педагог- ходимларнинг иш ҳақига маҳаллий бюджетдан жами 455,8 млрд. сўм, унга қўшимча равишда директор жамғармасидан 53,9 млрд. сўм устама ва моддий ёрдамлар режалаштирилган бўлиб, улар тўлиқ молиялаштириб тўланди.

Янгилик

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ҚОМУСИ

Фармациянинг асосий фанларидан бири бўлган фармакогнозиянинг тиббиётда аҳамияти ғоят катта. Чунки саноатда синтетик йўл билан дори воситаларини олиш усуллари юқори даражада тараққий этишига қарамай, ҳозир тиббиётда ишлатиладиган препаратларнинг 40 фоизга яқини доривор ўсимликлардан олинмоқда. Бу рақам айрим хасталикларни, жумладан юрак қон-томир касалликларини даволашда 80 фоизни ташкил этади. Шундай экан, келажакда доривор ўсимликлардан олинадиган дори воситаларининг янада кўпроқ ишлатилиши кутилмоқда. Бу эса ўз навбатида фармакогнозия фанининг аҳамиятини ошириб, дунё олимлари олдига ушбу соҳани ривожлантириш вазифасини қўяди.

Шуниси қувонарлики, диёримизнинг ҳар бир қарич ери фойдали гиёҳлару доривор ўсимликларга бой бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш, инсон саломатлиги учун

зарур дори турларини яратиш борасида олимларимиз томонидан кўплаб хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, доривор ўсимликлардан олинадиган дори маҳсулотларини ўрганувчи фармакогнозия соҳаси Тошкент фармацевтика институтида махсус фан сифатида ўқитилмоқда. Институт олимлари эса ҳозиргача соҳа ривожига доир изчил изланишлар олиб бориб, бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишди.

Яқинда институт профессорлари Ҳамид Холматов ва Ўроз Аҳмедов муаллифлигида «Фармакогнозия» дарслиги нашр этилди. Икки қисмдан иборат мазкур китобда фаннинг барча бўлим ва йўналишлари қамраб олинган.

Аҳамиятли томони, фармакогнозия фанини ўқитишнинг амалдаги дастури асосида ёзилган ушбу дарсликда юртимизда ўсадиган доривор ўсимликлар, уларнинг хусусияти, тавсифи, ўсиш жойи, йиғиш-қуритиш усуллари, кимёвий таркиби, ишлатиш ва дори воситалари тайёрлаш ҳақида тўлиқ маълумотлар берилади. У фармацевтика институтлари ва тиббиёт коллежларининг фармацевтика бўлимлари талабалари, шунингдек, дорихона хизматчилари учун муҳим манбадир.

Бир сўз билан айтганда, давлат таълим стандартлари асосида яратилган мазкур китоб аҳамияти, илмийлиги ҳамда мукаммаллиги билан халқаро меъёрларга тўла жавоб беради.

Собиржон АМИРОВ,
кимё фанлари доктори,
профессор.

Истиқлол фидойилари

ИНСОНИЙЛИК ШАРАФИ

ЁХУД АВЛОНИЙНИНГ ТАРБИЯ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ҲАҚИДА

XX аср бошларида мустамлакачиларнинг халқимиз ўзлигини йўқотишга бўлган уринишлари энг авж олган паллалар эди. Бу эса мамлакат ҳаётини маънавий инқирозга юз буришига олиб келганди. Ўша пайтда халқимизнинг илғор зиёлилари — Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат каби кўплаб алломалари оммани уйғоқликка чорлаб, маърифат билан қуролланишга уринганликлари бежиз эмас.

Чунки тарихга назар солсак, ўтмишда ҳам ўз қисматини халқ тақдири билан боғлаган донишманд алломаларимиз доимо одамларни илм-маърифатли, меҳр-оқибатли, маданиятли ва инсонпарвар бўлишига чорлаб келгани, бу йўлда ҳатто энг қийин синовларга ҳам бардош берганига гувоҳ бўламиз.

Айниқса, ўзбек маърифатпарвар зиёлиларидан бири Абдулла Авлоний XX аср бошларида тарбия масаласига жиддий эътибор қаратиб, у миллат келажагини белгилайдиган ўта муҳим масала эканлигини айтиб, «Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деганида нақадар ҳақ эди.

Юрт келажаги учун жон куйдирган фидойи маърифатпарвар миллат фарзандларини Ватанни севувчи инсонлар қилиб тарбиялашнинг педагогик, ахлоқий, эстетик назариясини, қоидаларини ишлаб чиқди. У баъзи олимларнинг «Тарбия билан одамларни тузатиб бўлмайди, одамлар асли яралишида қандай бўлсалар, шундай ўсарлар, табиати ўзгармас» деган фикрларига қарши ўз қарашларини илгари сурди. Пайғамбаримизнинг «Бешикдан қабргача илм изла» деган Ҳадисларига суяниб, маърифат, илм-фанларнинг тарбияга таъсири масаласини кўтарди. *«Ҳукамолардан бири ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг тарбиясига боғлиқдур. Шариати Исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак оталарга фарзи айн, яъни, тоат-ибодат каби вожиб ва фарздир»*, — деган эди у.

Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ёш авлод тарбиясини таснифлаб, уни бадан тарбияси, фикр тарбияси, ахлоқ тарбияси каби уч қисмга бўлади.

Унда айтилишича, тарбия инсон туғилган кунидан бошланади. У вужудимизни қувватлантириб, фикримизни нурлантиради, ахлоқимизни гўзаллаштириб, зеҳнимизни равшанлантиради. Тарбиянинг «биринчиси уй тарбияси, бу она вазифасидир. Иккинчиси мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур... »

Фикр агар яхши тарбия топса,
Ҳанжар, олмосдан бўлур ўткур.
Фикрнинг ойинаси олурса занг,
Руҳи равшан зомир улур бенур.

Авлоний фикрича, бадан тарбиясининг ҳам фикр тарбиясига ёрдами катта. Жисм ҳамда руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ва терси кабидир.

Инсон табиатидаги мана шу мураккабликларни яхши тушунган Авлоний айтадики, агар жисм (вужуд, бадан) тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, бундай одамларнинг соғломлигидан оилага ҳам, жамиятга ҳам фойда йўқ. У фикр, ақл тарбияси ҳақида тўхталиб, «Фикрнинг қуввати (ҳаққоний, далил, асосли, теран эканлиги), зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур», дейди.

Мана шу уч хил тарбия ичида Авлоний ахлоқ тарбиясини биринчи ўринга қўяди. «Инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража бергувчи ахлоқ тарбиясидур», — дейди у.

«Агар тарбия қилувчи муаллим ўзи олим бўлиб, айтган сўзларига амал қилмайдиган бўлса, бу шогирдларнинг тарбиясига салбий таъсир қиладур. Домланинг ўзи фалон жойда фалон ишни қилди. Аммо бизларга (бундай) қилманглар, ҳаромдур, деб ваз этадур, деб фикру хаёлларига шак ва шубҳа тушиб қоладур».

Авлонийнинг Ватан ва ватанпарварлик, ахлоқ тарбияси ҳақидаги қарашлари йиллар ўтиб ўзбек педагогикаси ривожига салмоқли улуш бўлиб қўшилди. Улар ҳозирги даврда ҳам ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда жамиятни собиқ тузум давридан қолган иллатлардан тозалаш учун бой миллий қадриятларимизни қайта тиклашга, миллий мафкура асосларини ишлаб чиқиб, уни маънавият соҳасидаги энг муҳим сиёсатга айлантиришга асосий вазифа сифатида қаралмоқда. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, мактаб, лицей ва коллежлар учун қурилаётган муҳташам бинолар, уларнинг замонавий жиҳозлар, техник воситалар билан таъминланаётгани, болалар спортига берилаётган эътибор — буларнинг ҳаммаси аждодларимиз орзулари амалга ошаётганига ёрқин мисоллардир. Зеро, гўзал ахлоқий фазилатларга эришилган тақдирдагина жамиятда адолат, инсонийлик тамойиллари барқ уриб ривожланади, миллатнинг боқий тушунчалари унинг ўзлигини кўтаришга хизмат қилади.

Насиба КАМОЛОВА,
Тошкент вилояти педагогика коллежи директори

Интер-спорт

РОНАЛДИНЬО «ЧЕЛСИ»ГА ЎТАДИМИ?

«Барселона» (Испания) ва Бразилия терма жамоалари ярим ҳимоячиси Роналдиньо Лондоннинг «Челси» (Англия) клубига ўтишга розилик билдирди, дея хабар қилади The Sun нашри. Агар футболчи ва клуб ўртасида шартнома тузилса, Роналдиньо бир йилда ўртача 11,6 миллион фунт стерлинг (23,5 миллион АҚШ доллари) миқдорида маош олади.

Сўнгги вақтларда Испания оммавий ахборот воситаларининг билдиришича, футболчининг «Барселона» жамоаси бош мураббийи Франк Райкард ҳамда клуб президенти Жоан Лапорто билан муносабатлари бузилган. Бунга Роналдиньонинг кейинги пайтларда тез-тез тунги клубларга ташриф буюраётгани сабаб бўлмоқда.

Амалдаги шартномага мувофиқ Роналдиньо яна уч йил «Барселона» таркибида тўп суриши лозим. Агар у «Челси» жамоасига ўтишга қарор қилса, лондонликлар испанияликларга 70 миллион фунт стерлинг (141,5 миллион АҚШ доллари) тўлаши зарур бўлади.

Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси ҳайъати ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси Мажидхон Усмоновга турмуш ўртоғи **Муҳаббат АМИРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими **Ҳайдарали ИБРОҲИМОВ**нинг вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оиласига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 4 октябрь, пайшанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ma`murjon PARPIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8101 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 23.30
Topshirilgan vaqti — 00.10
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda